

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

Кўл ёзма ҳуқуқида
УДК 347.92(041)(575.1)

ТУРАЕВ ЗАХРИДДИН МАХМУДОВИЧ

ФУҚАРОЛИК ИШ ЮРИТИШНИ ТУГАТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА
АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

5A240103- Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи, фуқаролик процессуал
ҳуқуқи; халқаро хусусий ҳуқуқ

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
ю.ф.н., доц.Д.Ю.Хабибуллаев

ТОШКЕНТ – 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. Фуқаролик ишлари бўйича ҳал қилув қарори чиқармай туриб, иш юритишни тамомлашнинг умумий тавсифи ва шакллари	
1.1. Фуқаролик ишларини суд ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб тамомлашнинг мазмуни, ҳуқуқий табиати ва аҳамияти.....	13
1.2. Фуқаролик процессида иш юритишни тамомлаш шакллари.....	17
I боб бўйича хулоса.....	21
II БОБ. Фуқаролик ишларини тугатиш асослари ва унинг ҳуқуқий оқибатлари	
2.1. Тарафларнинг хоҳишига биноан иш юритишни тугатиш ва унинг ҳуқуқий оқибатлари.....	23
2.2. Тарафларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатда иш юритишни тугатиш ва унинг ўзига хос жиҳатлари.....	48
II боб бўйича хулоса.....	60
III БОБ. Фуқаролик процессида аризани кўрмасдан қолдиришнинг мазмуни, ҳуқуқий табиати ва асослари	
3.1. Фуқаролик процессида аризани кўрмасдан қолдиришнинг мазмуни ва ҳуқуқ табиати.....	62
3.2. Фуқаролик процессида аризани кўрмасдан қолдириш асослари, тартиби ва унинг ҳуқуқий оқибати.....	68
III боб бўйича хулоса.....	79
ХУЛОСА	81
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	84
ИЛОВА	92

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида ҳам мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш эканлиги алоҳида таъкидланган.¹

Таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги,² 2012 йил 30 ноябрдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2013 йил 4 октябрда “Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги³ фармонларининг қабул қилиниши суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлашда, судья кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий, демократик талабларга жавоб берадиган самарали тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги “Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаш-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 13 ноябрь, 220 (5135)-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 31-сон, 355-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги “Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 йил 21 октябрь, 42-сон, 556-модда.

тириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида таъкидланишича, сўнгги беш йил ичида фақатгина фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилган ишлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари 3,4 баробар кўпайди ва 2012 йилда 2 миллиондан зиёд ҳужжатни ташкил этди.¹ Статистик маълумотларга қараганда 2012 йилнинг ярим йиллигида фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушган жами материаллар 1.093.139 тани ташкил этган. Ўз навбатида фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юкласини камайтиришда ва шу асосда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда суд ҳал қилув қарори чиқармасдан туриб, иш юритишни тугатишга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, судьялар сонига мавжуд жиддий номутаносибликлар фуқаролик ишлари бўйича чиқарилаётган суд ҳал қилув қарорининг сифатига салбий таъсирни кўрсатаётган бир вақтда судлар томонидан ишни мазмунан ҳал этмасдан, яъни суд ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб, иш юритишни тугатиш асосларини қўллаш орқали ҳар иккала тараф учун ҳам мақбул бўлган қарорни қабул қилиш (шу ўринда тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш орқали иш юритишни тугатиш назарда тутилмоқда) муҳим аҳамият касб этади. Юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, суднинг асосий мақсади “ҳақиқатни аниқлаш, бузилган ҳуқуқни тиклаш, адолатни ўрнатмоқдир”.² Шунинг учун ҳам суд нафақат арз қилинган талабни мазмунан кўради, шу билан бирга ҳуқуқий низони ўзаро ҳал этиш юзасидан тарафлар билдирган хоҳиш-истак асосида ёки ишни мазмунан кўришга тўсқинлик қиладиган объектив ҳолатларни аниқлаш асносида иш юритишни тугатади.³ Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2011 йилда биринчи босқич судларида жами тамомланган фуқаролик ишларининг сони 305227 тани ташкил этиб, шулардан атиги 14955 таси бўйича суд ҳал қилув қарори

¹ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 йил 21 октябрь, 42-сон, 556-модда.

² Мурадян Э.М. Право на судебную защиту. -М, 1980. -9 с.

³ Куренкова О.Н. Теоретические и практические аспекты прекращения производства по гражданским делам в судах общей юрисдикции: дис. ... канд. юрид. наук. -Саратов, 2006. 183 с.

чиқармасдан иш юритишни тугатган. 2012 йилда мазмунан ҳал этилган ишлардан 137.000 таси бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган бўлиб, шундан 122550 та иш бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган, 9973 та фуқаролик иши тугатилган. Иш юритишни тугатишнинг ФПКнинг 100-моддасида 7 та асоси мавжудлигини ҳисобга олганда судларда иш юритишни тугатиш кўрсаткичи паст эканлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Бу эса суд амалиётида иш юритишни тугатиш асосларига етарлича эътибор берилмаётганлигини кўрсатади. Шу ўринда бу каби муаммоларни ҳал этишда иш юритишни тугатиш асослари, шакллари ва тартибига доир фуқаролик процессуал қонунчилик нормаларини такомиллаштириш, иш юритишни тугатишнинг назарий муаммоларини илмий таҳлил қилиш ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, юридик адабиётларни таҳлил этиш мамлакатимиз фуқаролик процессуал ҳуқуқи назариясида иш юритишни тугатишнинг назарий ва амалий муаммоларини чуқур таҳлил этишга етарлича эътибор берилмай келинаётганлигидан далолат беради. Юқоридагиларнинг барчаси, танланган магистрлик ишининг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқот объектини фуқаролик ишлари бўйича суд ҳал қилув қарорини чиқармай туриб, иш юритишни тамомлашнинг қонунчилик билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлар, шунингдек иш юритишни тугатиш билан боғлиқ процессуал нормаларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида татбиқ этилиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини эса фуқаролик ишларини тугатиш асослари, тартиби ва оқибатларини тартибга солувчи процессуал ҳуқуқ нормалари, иш юритишни тугатишнинг назарий ва амалий жиҳатлари, шунингдек мавзуга дахлдор масалалар бўйича турли тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти ташкил этади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Магистрлик ишининг мақсади фуқаролик ишларини тугатишнинг мазмун-моҳияти, асослари, оқибатлари ва процессуал хусусиятларини комплекс тарзда ўрганиш, ушбу муносабатларни тартибга солувчи процессуал қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқ

нормаларининг самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Юқоридаги мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни ҳал этиш орқали амалга оширилади:

- фуқаролик ишларини суд ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб тугатишнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш;

- фуқаролик процессида иш юритишни тугатишнинг умумий тавсифини таҳлил қилиш;

- фуқаролик суд ишларини юритиш турлари бўлмиш даъво тартибидаги ишларни, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича иш юритишни тугатиш асосларини таҳлил қилиш;

- фуқаролик процессида аризани кўрмасдан қолдиришнинг ҳуқуқий табиати, асослари ва унинг ҳуқуқий оқибатини таҳлил қилиш.

- тадқиқ этилаётган масалани миллий процессуал қонунчилик ҳамда бошқа давлатлар қонунчилиги билан қиёсий таҳлил қилиш ва шу орқали мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигидаги муаммоли масалаларни аниқлаш;

- фуқаролик ишларини тугатиш асослари билан боғлиқ суд амалиётини таҳлил қилиш орқали Ўзбекистон Республикаси ФПКни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Маълумки, фуқаролик процессида иш юритишни тугатиш фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Фуқаролик суд ишларини юритишда иш юритишни тугатишга эришиш ишда иштирок этувчи шахсларнинг ортиқча сарф харажатлардан, вақтдан унумли фойдаланишни, шунингдек судларда фуқаролик ишларини тез, қисқа муддатларда ҳал этилишини, иш юкламаларини камайишини, ишларни соддалштирилган тартибда кўриб ҳал этилишини амалда таъминлайди.

Шундай экан, ҳозирда суд амалиётида фуқаролик ишларида тарафларнинг келишувига эришиш, низоларни соддалаштирилган тартибда ҳал этишнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини ўрганиш ҳамда бу борада ҳамдўстликка аъзо давлатлар ва ривожланган давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигини ўрганиб чиқиш натижасида мазкур масалани янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Фуқаролик процессида суд ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб, иш юритишни тугатиш масалалари илк бора мустақил мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилиги асосида тадқиқ этилди. Мавзунини ёритиш жараёнида фуқаролик процессуал ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи ҳамда бошқа ҳуқуқ соҳалари бўйича махсус адабиётлар ўрганилган.

Шу ўринда мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан фуқаролик процессида иш юритишни тугатишнинг умумий масалаларини тадқиқ этишга қаратилган ишлар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Масалан, Ш.Ш.Шорахметов, М.М.Мамасиддиқов, Э.Н.Эсанова ва Д.Ю.Хабибуллаевлар фуқаролик процессида суд ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб, иш юритишни тугатишнинг умумий масалаларини¹ тадқиқ этиб ўрганган.

Шунингдек, фуқаролик процессида иш юритишни тугатишнинг айрим муаммолари МДХга аъзо давлатларнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан алоҳида тадқиқот объекти сифати ўрганилган. Хусусан, О.Н.Куренкова умумий юрисдикция судларида фуқаролик ишлари бўйича иш юритишни тугатишнинг назарий ва амалий муаммоларини,² Ю.А.Широкопояс суд ҳал қилув

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Тошкент, Адолат, 2001 й. -512 б.; 15. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. - 960 бет.; Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. –Тошкент, ТДЮИ. 2010. –534 б. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент, ТДЮИ нашриёти. 2012. –516 б.; Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи: савол ва жавоблар. –Тошкент., ТДЮИ. 2010. М.М. Mamasiddiqov va boshq. Fuqarolik protsessual huquqi. Yuridik kollejlari uchun o'quv qo'llanma. –Toshkent: ILM ZIYO nashriyoti. 2012. – 336 b.

² Куренкова О.Н. Теоретические и практические аспекты прекращения производства по гражданским делам в судах общей юрисдикции. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. –Саратов. 2006. -32 с.

қарори чиқармай туриб, иш юритишни тамомлаш тўғрисидаги умумий юрисдикция суди ажрими билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиб ўрганган.¹

Лекин фуқаролик процессида суд ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб, иш юритишни тугатиш масалалари мустақил Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилиги, шунингдек бошқа қонун ҳужжатлари асосида комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган ва мазкур масалаларни фуқаролик процессуал ҳуқуқи нуқтаи назаридан тадқиқ этиш мамлакатимизда илк мартаба амалга оширилмоқда.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Магистрлик тадқиқот ишида билишнинг илмий услубларидан, хусусан, тарихийлик, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқийлик, статистик таҳлил, тизимли-тузилмавий услублардан фойдаланилди. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларига асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида илгари сурган концептуал фикрлари тадқиқотнинг назарий асосларини ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, иш юритишни тугатишга оид муаммолар назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилган. Диссертация ишида илгари сурилган таклифлар ва хулосалар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун ижодкорлиги жараёнида мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигидаги мавжуд бўшлиқ ва муаммоли масалаларни аниқлашда ва ушбу қонунчиликни такомиллаштиришда ҳамда судлар фаолиятида қонунчиликни тўғри ва

¹ Широкопояс Ю.А. Акты суда общей юрисдикции об окончании производства по делу без принятия судебного решения: Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.15 : -Краснодар, 2005 г. 174 с.

бирхилда қўлланилишини таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари, тадқиқот ишида илгари сурилган илмий-назарий хулосалар, тушунчалар “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” фани назариясини бойитишга ҳисса қўшади ва ушбу фанни ўқитишда қўшимча манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, унда мустақил Ўзбекистоннинг Фуқаролик процессуал кодекси асосида монографик тарзда суд ҳал қилув қарорларини чиқармай туриб, иш юритишни тамомлаш масалалари илк бора тизимли, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинди. Шунингдек, ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб иш юритишни тамомлашнинг шаклларининг ҳар бирининг ҳуқуқий табиати, фарқли жиҳатлари, иш юритишни тугатиш асосларини юзага келиш шартлари ва оқибатларига қараб, икки гуруҳга, яъни тарафларнинг хоҳишига биноан иш юритишни тугатиш ҳамда тарафларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатда иш юритишни тугатиш каби гуруҳларга ажратилиши юзасидан муаллифлик нуқтаи-назарлари илгари сурилганлиги билан изоҳланади.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат.

I БОБ. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЧИҚАРМАЙ ТУРИБ ИШ ЮРИТИШНИ ТАМОМЛАШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ШАКЛЛАРИ

1.1. Фуқаролик ишларини суд ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб тамомлашнинг мазмуни, ҳуқуқий табиати ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 1-моддасида ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Профессор Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, бирорта давлат идораси суд каби фуқаролик масалаларини тўғри, одилона ҳал эта олмаслиги суд ҳокимиятининг муҳим жиҳатларидан эканлигини кўрсатади.¹

Фуқаролик иши бўйича суд ишларини юритишнинг мақсади низоли ҳуқуқий муносабат соҳасига жалб этилган барча субъектларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ва кафолатланган ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексига батафсил тартибга солинган. Мазкур Кодекс фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишга қаратилган вазифа ва мақсадлар тизимини ўзида ифода этади.

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. - 9 бет.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 4-моддасига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборат эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.¹ Шунингдек, фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиши лозимлиги ўз ифодасини топти. Мазкур вазифалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-бандидаги “ҳар бир инсон, мабодо унинг конституция ёки қонун бериб қўйган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, нуфузли миллий судлар томонидан ўз ҳуқуқларининг самарали тарзда тикланиши ҳуқуқига эгадир”, деб кўрсатилган нормаларига мувофиқ келади.²

Одатда фуқаролик ишлари суднинг ҳал қилувчи қарори билан яқун топади. Бироқ айрим ҳолларда суд ҳал қилув қарори чиқармасдан туриб, иш юритишни тугатиши ёки аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажрим чиқариши орқали ҳам иш якунига етиши мумкин. Фуқаролик иши бўйича суднинг фаолияти юқорида қайд қилинган қайси шаклда тамомланмасин, фуқаролик процессуал шакл асосида амалга оширилиши талаб этилади.

Юридик адабиётларда фуқаролик-процессуал шакл учун қуйидаги белгилар хослиги таъкидланади:

биринчидан, фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш тартиби олдиндан процессуал қонун билан белгилаб қўйилган бўлади;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. –Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Расмий нашр. 2013 йил.

² Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. -Тошкент.: Адолат. 1992. -12 б.

иккинчидан, суд ҳимояси учун қонунда белгиланган ёзма шаклда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади;

учинчидан, ишда иштирок этувчи шахслар процессуал ҳуқуқлардан, хусусан ишни кўришда суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланадилар;

тўртинчидан, суднинг ҳал қилув қарори процессуал қонунда кўрсатилган далиллар воситаси билан аниқланган фактик маълумотларга ва қонунга асосланган бўлиши шарт қилиб қўйилади.¹

Юридик адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, адабиётларда “фуқаролик ишлари бўйича иш юритишни тугатиш” тушунчасига эмас, асосан “иш юзасидан ҳал қилув қарорини чиқармасдан иш юритишни тамомлаш” атамасига тўхталадилар. Масалан, проф. Ш.Ш.Шорахметов ўз дарслигида “Иш бўйича ҳал қилув қарорини чиқармай иш юритишни тамомлаш” атамасини қўллайди. Дарҳақиқат, ҳар қандай фуқаролик иши у ҳал қилув қарори чиқарилиши ёки чиқарилмаслигидан қатъи назар тамомланади. Иш юритишни тугатиш эса ҳуқуқий табиати ва ўз оқибати билан иш юритишни тамомлашнинг бошқа шакллари билан фарқланади (масалан, аризани кўрмай қолдириш). Ш.Ш.Шорахметов ўз асарида иш юритишни тугатиш ўзининг мазмуни билан даъво талабини қўзғатган шахснинг ҳуқуқини судда ҳимоя қилишга эга эмаслигидан далолат беради, суд эса бундай ишларни суд ўз иш юритишига қабул қилишга ҳақли эмаслигини билдиради, деб таъкидлайди. Шунинг учун суд, тарафни суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги сабабли иш юритишни тугатади, бу деган сўз манфаатдор шахсни шу иш бўйича қайтадан судга мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш демакдир.² Бошқа бир процессуалист олим Н.М.Кострова, иш юритишни тугатишнинг иш бўйича ҳал қилув қарорини чиқармай иш юритишни тамомлаш шакли сифатида эътироф этиб, унга қуйидагича таъриф беради: “ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган ҳамда

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. -Тошкент: Адолат. 2001. –11 б.

² Шорахметов Ш.Ш. Қайд этилган асар. –224 б.

тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқ ва конуний манфаатлари ҳимоясига жиддий таъсир кўрсатадиган процессуал ҳужжат”¹ Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича эса, иш юритишни тугатиш бу - суднинг иш юзасидан фаолияти даъвогарнинг худди шу иш бўйича судга қайтадан мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан тугатилиши назарда тутилади.² С.А.Алехинанинг фикри ҳам шунга ўхшаш. Унга кўра, иш юритишни тугатиш – даъвогар (аризачи)нинг судга даъво тақдим этиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаган ёки низонинг барҳам топиши эвазига турдош талаб билан судга қайта мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қиладиган ишни суд ҳал қилув қарори чиқармасдан тугатишнинг бир шакли ҳисобланади.³ А.А.Власовнинг фикрича, иш юритишни тугатиш манфаатдор шахсларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаганлиги туфайли суд фаолиятининг тамомланиши ҳисобланади.⁴

Юқорида билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, шундай ҳулоса қилиш мумкинки, **фуқаролик ишини юритишни тугатиш** деганда арз қилинган талаб бўйича юритилаётган ишни иш юзасидан даъвогар (аризачи)нинг судга даъво тақдим этиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаганлиги ёки низонинг барҳам топиши эвазига турдош талаб билан судга қайта мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қиладиган ишни суд ҳал қилув қарори чиқармасдан тамомлаш тушунилади.

Таъкидлаш керакки, фуқаролик процессида иш юритишни тамомлаш барча тоифадаги фуқаролик ишлари учун мўлжалланган умумий, универсал процессуал меъёрлар мажмуи ҳисобланади. Бинобарин, қандай тоифадаги фуқаролик иши бўлишидан қатъи назар судья суд ишларини юритишни тамомлашга қаратилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириши ва иш бўйича ҳал қилув қарори ёки ажрим шаклидаги ўз қарорини қабул қилиши шарт бўлади. Бу эса иш бўйича суд ишларини юритишни тамомлаш фуқаро-

¹ Кострова И.М. Особенности окончания рассмотрения гражданских семейных дел без вынесения решения // Сов. юстиция. 1984 г. -15 с.

² Шорахметов Ш.Ш. Қайд этилган асар. –224 б.

³ Гражданское процессуальное право: Учебник. Под ред. М.С.Шакарян. - М.: «Проспект», 2004. -288 с.

⁴ Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Учебник. –М.: 2003.

лик процессуал ҳуқуқида муҳим институт сифатида алоҳида ўрин эгаллашни кўрсатади. Дарҳақиқат, суд ишларини юритишнинг тамомланиши нафақат келажакдаги ҳуқуқий муносабатларга, ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқаларга таъсир кўрсатади, ҳатто инсон тақдирига ҳам ўз таъсирини кўрсатадики, бу мазкур институтнинг ўзига хос аҳамият касб этишини кўрсатади.

Шу ўринда фуқаролик процессуал ҳуқуқи соҳасидаги назарий олимларнинг фикрича, иш юритишнинг тамомланиши барча тоифадаги фуқаролик ишлари учун мўлжалланган, фаолиятнинг характери ва иш юритишнинг турлича бўлишидан қатъи назар умумий, универсал бўлган процессуал меъёрларнинг мустақил мажмуаси ҳисобланади.

1.2. Фуқаролик процессида иш юритишни тамомлаш шакллари

Маълумки, фуқаролик ишининг қўзғатилиши оқибатида мазкур ишнинг ҳаракати бошланади. Ўз навбатида суднинг тарафлар ўртасидаги низони мазмунан кўриш ва бу тўғрида муайян қарор қабул қилиш бурчи вужудга келади. Бироқ суд амалиётида шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, умумий юрисдикция суди иш юритувига қабул қилиб олинган фуқаролик иши судда мазмунан кўрилмаслиги ҳам мумкин. Шу муносабат билан фуқаролик процессуал қонунчилик иш юритишни тамомлашнинг, бошқача айтганда ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб иш юритишни тугатишнинг қуйидаги икки шаклини назарда тутати:

- иш юритишни тугатиш;**
- аризани кўрмасдан қолдириш.**

Суд ҳал қилув қарорини чиқариш орқали иш юритишни тамомлашдан фарқли равишда иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажримлар биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанция судида ишлар юритишнинг турли босқичларида чиқарилиши мумкин.

Суд ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб иш юритишни тугатиш шакллари нафақат биринчи инстанция судида иш юритилишида, балки

фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилишида ҳам қўлланилиши мумкин. Шунингдек, иш юритишни тугатиш ёки аризани кўрмасдан қолдириш асослари нафақат даъво тартибида юритиладиган ишларда, балки буйруқ тартибида юритишдан ташқари суд ишларини юритишнинг бошқа турларида ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, алоҳида тартибда иш юритиш, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш шулар жумласидандир.

Иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқармасдан иш юритишни тамомлашнинг юқоридаги шакллари йўл қўйиш асослари, ҳуқуқий оқибатлари ва қўлланилиши борасида ўзаро фарқланади. Масалан, ишнинг судга тааллуқли бўлмаслиги иш юритишни тугатишга асос бўлади ва судга тааллуқли бўлмаган иш бўйича такроран ўша судга мурожаат қилиш мумкин эмас. Аризани кўрмасдан қолдиришда эса унга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин манфаатдор шахс судга ариза билан яна умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли бўлади.¹

Иш юритишни тугатиш, шунингдек ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида ёки ишни судда муҳокама қилиш жараёнида ҳам рўй бериши мумкин. Фуқаролик ишини юритишни тугатиш арз қилинган талаб бўйича юритилаётган иш юзасидан даъвогар (аризачи)нинг судга даъво тақдим этиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаганда амалга оширилади. Шу ўринда тугатишнинг аризани кўрмасдан қолдиришдан фарқли жиҳатлари шунда намоён бўладики, унга кўра, аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўладиган ҳолатлар мавжуд бўлса, суд аризани кўрмай қолдиради. Бироқ бу аризани келажакда кўрилишини истисно этмайди.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда суд ҳал қилув қарори чиқармасдан туриб, иш юритишни тугатишга эришиш муҳим аҳамият

¹ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент, ТДЮИ нашриёти. 2012. –Б. 457-458.

касб этади. Иш юритишни тугатиш асослари процессуал қонунчилик билан қатъий белгиланган бўлиб, ушбу рўйхат тугал ҳисобланади. Бошқача айтганда қонунда назарда тутилмаган асослар билан иш юритишни тугатишга йўл қўйилмайди. Чунки фуқаролик процессуал қонунчилик тугатишнинг оқибатини белгилаганки, унга кўра, иш юритиш тугатилган тақдирда, айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан судга иккинчи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди (ФПКнинг 102-моддаси). Бироқ бу борада юридик адабиётларда турли фикр-мулоҳазалар илгари суриб келинади. Масалан, М.Ю.Новик-Качаннинг фикрича, Россия ФПКнинг 220-моддасида назарда тутилган иш юритишни тугатиш асосларининг рўйхати тугал бўлмай, Россия ФПКнинг 248-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса ҳам иш юритиш тугатилиши лозимлигини таъкидлайди. Россия ФПКнинг 248-моддасига кўра, суд оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ўз иш юритувида мавжуд бўлган худди ўша предметдаги ва қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, иш юритишни тугатиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Шу ўринда мазкур ҳолат бизнинг томонимиздан юқорида илгари сурилган фикрнинг, яъни иш юритишни тугатиш асослари процессуал қонунчилик билан қатъий белгиланган бўлиб, ушбу рўйхат тугал ҳисобланиши ҳақидаги фикрнинг тўғрилиги ҳамда қонунда назарда тутилмаган асослар билан иш юритишни тугатишга йўл қўйилмаслигини тасдиқлайди.

Шу ўринда аризани кўрмай қолдириш асослари назарда тутилган миллий процессуал қонунчилигимиз таҳлили шуни кўрсатадики, аризани кўрмасдан қолдириш асослари Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддасидан ташқари мазкур кодекснинг “Аризани кўрмай қолдириш” деб номланган 282-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, агар алоҳида тартибда юритиладиган ишни кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, суд аризани кўрмасдан қолдириб, ишда иштирок этувчи шахсларга умумий тартибда даъво тақдим этишни тақлиф қилади. Мазкур ҳолат нафақат алоҳида тартибда юритиладиган ишни кўриш вақтида,

балки мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш турига мансуб бўлган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоларни белгилаш ҳақидаги аризани суд иш юргизишига қабул қилиш жараёнида ҳам татбиқ этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни белгилаш-ни тартибга солувчи қонунчиликни судлар томонидан қўлланиши ҳақида”ги 5-сонли Қарорининг 8-бандида кўрсатилишича, агар фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоларни белгилаш ҳақидаги аризани суд иш юргизишига қабул қилиш ёки алоҳида тартибда судда кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ бўйича (мерос, мулк ҳуқуқи ва ҳоказо) низо аниқланса, судья аризани қабул қилишни рад этади ёки суд аризани кўрмасдан қолдиради ва манфаатдор шахсларга умумий асосларда даъво қўзғатиш мумкинлигини тушунтиради.¹ Бирок фуқаролик ишини юритишни тугатиш асослари Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасидан ташқари бошқа қонунларда назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасида назарда тутилган иш юритишни тугатиш асосларини уни юзага келиш шартлари ва оқибатларига қараб, қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тарафларнинг хоҳишига биноан иш юритишни тугатиш.

2. Тарафларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатда иш юритишни тугатиш.

Тарафларнинг хоҳишига биноан иш юритишни тугатиш, яъни биринчи гуруҳга мансуб бўлган асослар Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддаси 3 (даъвогар арз қилган талабларидан воз кечган ва суд бу воз кечишни қабул қилган бўлса), 4 (тарафлар келишув битими тузган бўлсалар

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни белгилашни тартибга солувчи қонун-чиликни судлар томонидан қўлланиши ҳақида”ги 5-сонли Қарори.

ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса) ва 5 (ишни судда кўришга тайёрлаш вақтида жавобгар даъвогарнинг талабларини тан олган бўлса ва бу тан олиш судья томонидан қабул қилинган бўлса) бандида назарда тутилган ҳолатларда юз беради. Зеро, ушбу ҳолатлар фуқаролик иши кўзғатилганидан сўнг, тарафларнинг ҳаракатлари натижасида юз беради.

Иккинчи гуруҳда, яъни тарафларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатда иш юритишни тугатишда асосан манфаатдор шахсларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг мавжуд эмаслигини кўрсатиш мумкин. Буларга Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддаси 1 (иш судга тааллуқли бўлмаса), 2 (айни бир тарафлар ўртаси-даги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса) ва 6 (тарафлар ўртасида ушбу низоли ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса) бандларида назарда тутилган асосларнинг мавжудлиги мисол бўла олади. Манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган бу каби аризаларнинг суднинг иш юритувига қабул қилиниши судьянинг хатоси билан йўл қўйилади. Чунки юқоридаги ҳолатлар фуқаролик ишини кўзғатиш босқичида аниқланганда эди, суд ушбу аризани Фуқаролик процессуал кодексининг 152-моддаси асосида қабул қилишни рад этар эди. Иккинчи гуруҳга мансуб бўлган яна бир асос, бу Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддаси 7-бандида ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра иш бўйича тарафлардан бири бўлган фуқаронинг вафотидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймас ва иш юритилиши тугатилади. Ушбу ҳолат суднинг ҳам, тарафларнинг ҳам ихтиёрига боғлиқ бўлмайди.

Кейинги бобларда иш юритишни тугатишнинг ушбу асосларига батафсил тўхталиб ўтамыз.

1-боб бўйича хулоса

Мазкур бобда ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб иш юритишни тамомлаш яъни иш юритишни тугатиш ва аризани кўрмасдан қолдириш шакллари ва уларнинг ҳуқуқий табиати, фарқли жиҳатлари очиб берилди.

Тадқиқот натижасида фуқаролик ишини тугатиш ва аризани кўрмасдан қолдириш тушунчаларига илмий таъриф ишлаб чиқилди. Унга кўра, **фуқаролик ишини тугатиш** деганда арз қилинган талаб бўйича юритилаётган ишни иш юзасидан даъвогар (аризачи)нинг судга даъво тақдим этиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаганлиги ёки низонинг барҳам топиши эвазига турдош талаб билан судга қайта мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қиладиган ишни суд ҳал қилув қарори чиқармасдан тамомлаш тушунилади.

Аризани кўрмасдан қолдириш бу – манфаатдор шахслар томонидан судга мурожаат қилиш жараёнидаги шартларга риоя қилмаганлик ёки тарафларнинг ва даъвогарнинг процессуал мажбуриятларни бажармаган-лиги натижасида келиб чиқадиган ва келажакда худди шу талаб билан такрор судга мурожат қилишга тўсқинлик қилмайдиган суд ҳал қилув қарорини чиқармасдан иш юритишни тамомлашнинг мустақил шаклидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасида назарда тутилган иш юритишни тугатиш асосларини таҳлил қилиш уни юзага келиш шартлари ва оқибатларига қараб, икки гуруҳга, яъни тарафларнинг хоҳишига биноан иш юритишни тугатиш ҳамда тарафларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатда иш юритишни тугатиш каби гуруҳларга ажратилди.

II БОБ. Фуқаролик ишларини тугатиш асослари ва унинг ҳуқуқий оқибатлари

2.1. Тарафларнинг хоҳишига биноан иш юритишни тугатиш ва унинг ҳуқуқий оқибатлари

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида фуқароларнинг суд орқали самарали ҳимоя қилиниши тизими яратилди. Бу борада мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида ҳам суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш соҳасига алоҳида тўхталиб “мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда. Айнан шунинг учун ҳам биз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислохотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратганимиз бежиз эмас” дея таъкидлаб ўтди¹.

Ҳақиқатан ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан суд-ҳуқуқ соҳасига оид бир қатор қонун ҳужжатларини, жумладан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик процессуал кодекси, “Судлар тўғрисида” ги, “Прокуратура тўғрисида” ги ва бошқа қонунлар ҳамда қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши фикримизнинг далилидир.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь, №220 (5135).

Мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий - иқтисодий ўзгаришлар, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятининг ўсиши, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларининг суд тартибида ҳимоя қилишнинг ривожланиши ва кенгайишига олиб келмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, 2006 йилда биринчи инстанция судлари томонидан 421.455 та фуқаролик ишлари мазмунан кўриб чиқилган бўлса, 2007 йилда судлар томонидан кўриб чиқилган ишлар сони 518.370 тани ташкил этган¹ бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 324 минг 149 тани ташкил этади.²

Юқорида келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, фуқароларимиз онгида суд идоралари инсонларни бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилиш усули сифатида шаклланиб бормоқда. Бироқ, фуқаролик судларида кўриб ҳал этилаётган ишлар сонининг кўпчиликини ташкил этиши, ўз навбатида фуқаролик ишларини имкон қадар қисқа муддатларда кўриб ҳал этишни, иш бўйича чиқарилаётган суд ҳал қилув қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши ҳақидаги талабларга қатъий амал қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам фуқаролик ишлари бўйича судларда низоларни ҳал этишни соддалашган тизимини жорий этиш долзарб вазифалардан бирига айланди. Бу борада мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркорлигини, даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш”³ муҳим аҳамият касб этишни алоҳида қайд қилади. Шу боисдан, судларда ишларни қисқа муддатларда кўриб чиқишда ва айниқса, низолашувчи томонларни ўзаро манфаатли асосда муросага келтириш орқали фуқаролик ишини тинч йўл билан ҳал

¹ Умумий юрисдикция судларининг 2008 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. -Тошкент, 2009. - 48 б.

² Мустафоев Б.М. Мустаҳкам оила – жамият барқарорлигининг асоси // “Ҳуқуқ ва бурч” журнали, 2012 йил, 4-сон. -7 бет.

³ Каримов. И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий - ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. -Т.: “Ўзбекистон”. 1995. –Б. 23-24.

етишда ҳал қилув қарори чиқармасдан иш юритишни тугатиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2008 йилда ҳал қилув қарори чиқариб кўрилган ишлар 308269 тани ташкил этиб, шундан 17828 таси бўйича иш юритиш тугатилган бўлса, 2009 йилда ҳал қилув қарори чиқариб кўрилган ишлар сони 217299 тани ташкил этиб, шундан 23831 таси бўйича иш юритиш тугатилган¹.

Амалиёт ходими Х.Ёдгоров фикрича, 2000 йилда, яъни судлар ихтисослашуви амалга оширилишидан олдин умумий юрисдикция судлари томонидан жами 95.000 тага яқин фуқаролик иши кўрилган бўлса, фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил этилгач, 2001 йилда 111.000 тадан зиёд иш, 2010 йилда эса 291.000 тадан зиёд фуқаролик иши мазмунан кўрилиб, қонуний ҳал этилганлиги фикримизнинг далилидир. Қайд этиш лозимки, 2010 йилда мазмунан ҳал этилган ишлардан 262.084 таси бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган бўлиб, шундан 250.087 та иш бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган, 14.882 та фуқаролик иши тугатилган бўлиб, бунинг асосий қисмини тарафлар ярашувига эришилганлиги сабабли тугатилган ишлар ташкил этди². Ушбу статистик маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, судлар томонидан иш юритишни тугатиш асосларини кўпроқ татбиқ этилиши судларда вақтни тежашга, ортиқча сарф-харажатларни олдини олишга олиб келмоқда. Шу боисдан тарафларнинг хоҳишига биноан иш юритишни тугатиш асосларини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш ва уни янада такомиллаштириш долзарб масалалардан биридир.

Маълумки, ФПКнинг 100-моддасида иш юритишни тугатиш асослари кўрсатилган бўлиб, унга кўра суд қуйидаги ҳолларда иш юритишни тугатади:

- 1) иш судга тааллуқли бўлмаса;
- 2) айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2009 йилги статистик маълумотномаси.

² Ёдгоров Х. Суд тизимидаги ислохотлар самараси // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2011. 2-сон, - 6 б.

қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса;

3) даъвогар арз қилган талабларидан воз кечган ва суд бу воз кечишни қабул қилган бўлса;

4) тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса;

5) ишни судда кўришга тайёрлаш вақтида жавобгар даъвогарнинг талабларини тан олган бўлса ва бу тан олиш судья томонидан қабул қилинган бўлса;

6) тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса;

7) иш бўйича тарафлардан бири бўлган фуқаронинг вафотидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Юқорида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлса, суд иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради. Суд томонидан иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримнинг чиқарилиши қуйидаги оқибатга яъни, иш юритиш тугатилган тақдирда, айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан судга иккинчи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди (ФПКнинг 102-моддаси). Бироқ айрим тоифадаги фуқаролик ишлари ҳам борки, улар бўйича иш юритиш тугатилган тақдирда кейинчалик ҳам шу предмет, шу асос бўйича судга даъво тақдим этилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 18-бандида кўрсатилишича, судларга тушунтирилсинки, айнан ўша тарафлар томонидан айнан ўша асослар бўйича никоҳдан ажратиш тўғрисидаги такрорий даъво аризаси суднинг иш юритувида бундай даъвони рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг даъводан воз кечганлиги ёхуд тарафлар ярашганлиги муносабати билан иш юритишни

тугатиш ҳақидаги ажрим қонуний кучга кирган кундан бошлаб, камида олти ой ўтгандан сўнг қабул қилиниши мумкин. Бундай даъво янги асосларга кўра тақдим этилганда, такрорий даъво аризаси мазкур муддатга роя қилинмасдан берилиши мумкин.¹ Кўриб турганимиздек, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларда даъвогарнинг даъводан воз кечганлиги ёхуд тарафлар ярашганлиги муносабати билан иш юритиш тугатилган тақдирда айна ўша тарафлар айнан ўша асослар бўйича никоҳдан ажратиш тўғрисидаги такрорий даъво аризаси билан судга қайта мурожаат қилиши мумкин. Бирок мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддаси 2-бандида айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса иш юритиш тугатилиши ҳақида кўрсатма беради. Ўз навбатида процессуал қонун қандай тоифадаги ишлар бўйича ушбу қоида истисно этилиши тўғрисида кўрсатма бермаган. Шу ўринда Олий суди Пленуми қарори норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар туркумига киритилмаганлигини ҳам қайд этиш лозим. Шундай экан, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши тамойилидан келиб чиқиб ҳамда мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш мақсадида бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 18-бандида кўрсатилган тушунтириш қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бошқача айтганда, Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддаси 2-банди қуйидаги тахрирда баён этилиши тақлиф қилинади:

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарори.

“2) айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бундан мустасно;”

Тарафларнинг хоҳишига биноан иш юритишни тугатиш асослари ичида энг кўп тарқалган кўриниши бу - суднинг тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлишидир. Юридик адабиётларда қайд этилишича, келишув битими низони суд тартибида ҳал қилишнинг процессуал-ҳуқуқий шакли сифатида кўринади.¹

Дарҳақиқат, фуқаролик суд ишларини юритишда тарафлар ўртасида келишув битими тузиш орқали иш юритишни тугатиш уларнинг эркин ҳуқуқларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 40-моддасида тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб, улар ичида фақат даъвогар ва жавобгар фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқ сифатида «даъво ишининг тарафлари процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни яқунлашга ҳақлидирлар» деб белгиланишини кўрсатиш мумкин. Бу каби ҳуқуқдан хатто даъвогар манфаатини ҳимоя қилиш ишга киришган прокурор ҳам фойдалана олмайди. Бу борада проф. Ш.Ш.Шорахметов шундай дейди: «... прокурор манфаати кўзланган шахснинг ўрнига ўтмайди, бу шахс ишда даъвогар бўлганича қолади. Шу билан бирга прокурор талаб қилувчи тарафнинг баъзи ҳуқуқларидан фойдалана олмайди, чунончи прокурор жавобгар тараф билан келишув битимини туза олмайди, прокурорга нисбатан муқобил даъво кўзғатиш мумкин эмас, прокурор суд божи тўламайди, арз қилган талабларининг асосини ёки предметини ўзгартиришга, талабнинг миқдорини кўпайтириш, камайитиришга ҳақли эмас ва ҳоказо. Прокурорнинг ўзи кўзғатган талабдан воз кечиши ёки арз қилган талабларини ўзгартириши

¹ Эсанова З.Н. Фуқаролик процессида келишув битими // Ж. Ҳаёт ва қонун. –2001 й. 2-3 сонлари. –63 б.

манфаатини ҳимоя қилиш учун прокурор даъво қўзғатган шахсни суддан ишни мазмунан кўришни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди».¹ Хатто фуқаролик процессида даъвогар манфаатини ҳимоя қилиб иштирок этаётган прокурорга нисбатан кўп процессуал ҳуқуқлар берган Россия Фуқаролик процессуал кодексининг 45-моддасида ҳам прокурор келишув битимини тузиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги ҳақидаги норма белгилаб қўйилган. Россия Фуқаролик процессуал кодексининг 46-моддаси иккинчи қисмига кўра ҳамда Қозоғистон Фуқаролик процессуал кодексининг 56-моддасига кўра, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари ҳам келишув битимини тузишдан ташқари, даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдалана олишлари ўз ифодасини топган.² З.Н.Эсанованинг фикрича, келишув битими тузиш одатда даъво тартибида иш кўришда амалга оширилиб, барча ишда иштирок этувчи шахслар ичида фақатгина тарафларга берилган махсус ҳуқуқлар десак хато бўлмайди. Шулардан бири иш юритишнинг келишув битими тузиш йўли билан тугатилишидир. Келишув битимини тузишга барча инстанция судларида ва суд жараёнининг ҳар қандай босқичида, ҳаттоки ижро босқичида йул қўйилади. Келишув битимини фақат низоли моддий ҳуқуқий муносабатнинг субъектлари бўлган тарафлар ва мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларгина туза оладилар.³

Қайд этиш керакки, келишув битими судлар томонидан фуқаролик ишларини кўриб ҳал этишнинг самарали усулларида бири сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, тарафларнинг иш бўйича келишув битими тузишга эришиши суд қарорлари устидан турли шикоят-аризаларнинг берилишини камайтиради. Бу эса ўз-ўзидан низоларни кейин босқичда кўрилишининг

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2010. – 124 б.

² Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. –М.: Юристь, 2003. -30 с.; Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан от 13 июля 1999 года. Ведомости Парламента Республики Казахстан, 1999 г. № 18, ст. 644.

³ Эсанова З.Н. Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни фуқаролик судида кўришнинг процессуал хусусиятлари: Юрид. фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент: ТДЮИ. 2010, -202 б.

олдини олади. Адабиётларда ҳам даъво тартибида иш юритишда тарафларни келиштириш ва келишув битимига эришиш - муайян бир фуқаролик ишлари бўйича иш юритишни тугатилишининг аъло даражадаги натижаси ҳисобланиши тўғрисида фикрлар илгари сурилган.¹

Юридик адабиётларда келишув битимининг аҳамияти ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар илгари сурилади. Масалан, Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, келишув битими суд мажлисида, суддан ташқари ва ижро босқичида ҳам тузилиши мумкин. Тарафларнинг келишув битимини шартлари суд мажлиси баённомасига киритилади ва иккала тараф томонидан имзоланади.²

М.М.Мамасиддиқов фикрича, тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларида ҳеч нарсани ўзгартирмайдиган келишув битими шуниси билан муҳимки, ҳуқуқ ва манфаатлар борасида низонинг мавжуд бўлмаслигига тарафлар ўзларининг саъй-ҳаракатлари билан суднинг кўмаги орқали эришадилар. Шунингдек, тарафларнинг ўзаро ҳуқуқ ва манфаатлари борасида ихтиёрий равишда келишувга эришишлари фуқаролик процессининг тарбиявий аҳамиятининг самарали таъсир кўрсатишидан далолатдир.³

Юридик адабиётларда муаллифлар даъво тартибида юритиладиган ишларни тарафларнинг ярашуви ва натижада қонунда белгиланган тартибда уларнинг келишув битими тузишлари – бу фуқаролик иши бўйича процессни тугатишнинг энг самарали ва мақбул усули эканлиги ҳақида фикр билдирадилар⁴.

¹ Мамасиддиқов М.М. Мехнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари / Масъул муҳаррир Ш.Ш.Шорахметов. – Тошкент.: АҚХМИ нашриёти, 2008. –211 бет.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. –Б.230.

³ Мамасиддиқов М.М. Мехнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография. –Тошкент, ТДЮИ. 2005. –Б.113.

⁴ Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации./ Под ред. Проф. В.М.Жуйкова, проф. М.К.Треушникова. – М., 2006. – С. 162.; Сахнова Т.В. Курс гражданского процесса: теоретические начала и основные институты./ Т.В.Сахнова. – М.: Волтерс Клувер,, 2008. – С. 76-77.; Гражданское процессуальное право России.Учебник. / Под Л.В.Тумановой, П.В.Алексия, Н.Д.Амаглобели. – 4-е изд.,пер и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – С. 228-232.; Гражданское процессуальное право. Учебник. / Под. общ. ред. проф Л.В. Тумановой . – М.: ТК Велби, Проспект, 2008.– С.509-517.; Гражданский процесс.Учебник.3-е изд, пер и доп. / Под ред М.К.Треушникова. – М.: Городец, 2010. – С. 389-390.; Прекращение производства по делу (понятие, основания, порядок и последствия) См.: Гражданский процесс. Особенная часть. / Г.Л.Осокина. – М.: Норма, 2010. – С. 168-181.

Д.Ю.Хабибуллаев келишув битими тарафларнинг ўзаро келишиб судда бу низо бўйича иш юритишни тугатиш хусусида ўз эрklarини ифодалашидир, келишув битими даъвони тан олиш, даъводан воз кечишдан шуниси билан фарқланадики, бунда икки тараф ҳам иш юритишни тугатишга розилиklarини билдирадидлар, деб таъкидлаб ўтади.¹

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг бир қатор қарорларида ҳам қуйи судларга тарафлар ўртасида қонунга зид бўлмаган, учинчи бир шахсларнинг қонуний манфаатларига таъсир қилмайдиган келишув битимларини тузилиши юзасидан ташаббус кўрсатишлари, ишни келишув битими билан тугатишнинг оқибатлари юзасидан тарафларга тушунтириш беришлари тўғрисида кўрсатмалар берилади². Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 22-сонли қарорининг 12-бандига кўра, суд, ишни кўришда ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар томонлама тўлиқ ва холисона ўрганиб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли моддаларида баён этилган ҳаракатларни амалга ошириши зарур, хусусан, тарафлар ёки уларнинг вакилларини суҳбатга таклиф этиши, уларнинг мазкур даъвога оид барча далил ҳамда эътирозларини ва ишни келишув битими йўли билан ҳал этиш имкониятларини ўрганиб чиқиши, зарур ҳолларда, тарафларга ишни судда кўришга тайёрлаш ва иш судда кўрилаётган жараёнда ҳам келишув битими йўли билан тугатишни таклиф қилиши лозим.³

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни айтиш жоизки келишув битими бу тарафларни ўз хоҳиш истаклари бўйича ишни тугатишга розилик билдириши ва ушбу келишувни суд томонидан тасдиқланишидир.

¹ Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари ва уларни суд амалиётида тадбиқ этиш муаммолари: юрид. фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. –Т. 2007. -111 б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998: 2-жилд // Таҳрир ҳайъати: У.К.Мингбоев ва бошқ. - Тошкент, “Шарқ”, 1999.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 22-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 40-моддасига кўра, агар тарафларнинг келишув битими қонунга хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, суд келишув битимини тасдиқламайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 5-сонли “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги қарорининг 10-бандида тушунтириш берилишича, васиятнома ва унинг асосида берилган меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома фақат суднинг ҳал қилув қарори билан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай талаблар бўйича келишув битими тасдиқ-ланишига, у қонунга зид бўлиши туфайли (ФПК 40-моддаси бешинчи қисми) йўл қўйилмайди.¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 2011 йил 25 ноябрдаги 8-сонли қарори 13-бандида тушунтириш берилишича, оталикни белгилаш шартлари, тартиби ва ҳуқуқий оқибатлари қонун билан белгиланганлиги сабабли, суд бундай иш бўйича келишув битимини тасдиқлашга ҳақли эмас.²

Демак, даъвогар ва жавобгар фуқаролик процессининг барча босқичида, яъни ишни қўзғатиш, ишни судда кўришга тайёрлаш, ишни кўриш, суд қарорларини қайта текшириш ҳамда суд қарорларини ижро этиш босқичида ҳам келишув битими тузишга ҳақли. Фақат ушбу келишув қонунга зид бўлмаслиги ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 180-моддасида кўрсатилишича, тарафлар эришган келишув битимининг шартлари суд мажлиси баённомасига киритилади ва тегишлича иккала тараф томонидан имзоланади. Агар тарафларнинг келишув битими уларнинг судга

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 5-сонли қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли қарори.

юборган ёзма аризаларида ифодаланган бўлса, мазкур аризалар ишга қўшиб қўйилиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади. Тарафларнинг келишув битимини тасдиқлашдан олдин суд даъвогарга ёки тарафларга тегишли процессуал ҳаракатлар қилишнинг оқибатларини тушунтиради. Тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида суд ажрим чиқаради ва шу ажрим билан иш юритишни ҳам тугатади. Ажримда тарафларнинг келишув битимидаги шартлар кўрсатилиши керак. Агар суд тарафларнинг келишув битимини тасдиқламаса, бу ҳақда асослантирилган ажрим чиқаради ва ишни мазмунан кўради.

Агар тарафлар келишув битими тузишга рози бўлсалар суд ҳамма ҳолларда битимни тузиш сабабларини аниқлаши, текшириши лозим. Бундай битимлар ғайриқонуний, қалбаки бўлмаслиги, тарафлардан бирининг ёинки учинчи шахсларнинг манфаатларини бузишга қаратилмаслиги керак. Агар битим тузилишида ғайриқонуний ҳаракатлар, мақсадлар мавжудлиги аниқланса, суд битимни тасдиқламайди ва суд ишни юритишни давом эттиради.¹ Лекин, суд амалиётини таҳлили шуни кўрсатадики, судлар томонидан юқорида айтиб ўтилган қоидаларга риоя қилинмасдан келишув битимини тасдиқлаш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Масалан, Мирзамуротов ҳада шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида Мирзаевга нисбатан судга даъво билан мурожаат қилган. Суднинг ажрими билан тарафларнинг келишув битими тасдиқланиб, иш юритиш тугатилган. Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати қуйидагиларга кўра иш юзасидан чиқарилган суднинг ажримини бекор қилиб, ишни янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборган. ФПКнинг 40-моддаси 5-қисмига мувофиқ, агар даъвогарнинг даъводан воз кечиши, жавобгарнинг даъвони тан олиши ва тарафларнинг келишув битими қонунга хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузса, суд даъводан воз кечишни, даъвони тан олишни қабул қилмайди ва келишув

¹ Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. -Тошкент, 1998. -№1-2. -Б.52.

битимини тасдиқламайди. Тарафлар ўртасида тузилган келишув битими шартига кўра, Мирзаев ўзига тегишли бўлган Искандаров кўчаси, 179-уйни Мирзамуротовга 2 йил муддатга вақтинча яшаш учун бериши, Мирзамуротов эса бунинг эвазига даъводан воз кечиши кўрсатилган. Иш ҳужжатларига караганда, Искандаров кўчаси 179-уй Мирзаевнинг опаси Каримова номига расмийлаштирилган ва бу уйдан фойдаланишга оид келишув битимининг тасдиқланиши унинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузади. Бу ҳолатда суд қонунга зид равишда келишув битимини тасдиқлаган.¹ Ушбу мисолдан кўришиб турибдики, суд келишув битимини тасдиқлашда иш бўйича далилларни тўлиқ текширмаслиги, ФПКнинг 40, 180-моддалари талабларига риоя қилмаслиги процессуал ҳуқуқ нормаларини бузилиши деб ҳисобланиб, охир-оқибатда суд ажримини бекор бўлишига олиб келди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, барча фуқаролик ишларида ҳам келишув битими тузишга йўл қўйилмайди. Яъни, алоҳида тартибда кўриладиган ишларда бир томонда аризачи ёки манфаатдор шахс, иккинчи тарафнинг йўқлиги (яъни жавобгар бўлмаслиги), суд буйруғи тартибида кўриладиган ишларда низонинг йўқлиги, суд процесси бўлмаслиги каби процессуал хусусиятларига эга бўлганлиги учун ушбу ишларда ҳам келишув битими тузишга йўл қўйилмайди. Шунингдек, оталикни белгилаш тартиби, шартлари қонун билан белгиланганлиги боис ушбу ишларда келишув битими тузишга йўл қўйилмайди. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли қарорида белгиланишича, жавобгар томонидан оталик суд мажлисида тан олинганда, суд ФПК 40, 180-моддаларига мувофиқ, даъво тан олинганлигини қабул қилиш масаласини муҳокама қилиши ва у қабул қилинганда, иш ҳолатларини мазмунан текширмасдан, оталикни белгилаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли. Оталикни белгилаш шартлари, тартиби ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд амалиёти. –Тошкент, 2002. -№2. –Б.15.

хуқуқий оқибатлари қонун билан белгиланганлиги сабабли, суд бундай иш бўйича келишув битимини тасдиқлашга ҳақли эмас. Демак, ушбу ишларда келишув битими тузишга йўл қўйилмайди.

Келишув битими юқори инстанция судларида ҳам тузилиши мумкин. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Фуқаролик ишларини апелляция тартибда кўриш амалиёти ҳақида”ги 5-сонли қарорида кўрсатилишича, судларга шу нарса тушунтириб ўтилсинки, ФПКнинг 330-моддасига асосан, апелляция шикоятни берилган ёки протести келтирилгандан кейин даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими тузиши ёзма шаклда баён этилиб, апелляция инстанцияси судига топширилиши лозим. Даъвогар даъводан воз кечган ёки апелляция инстанцияси судида тарафлар ўртасида келишув битими тузилган ҳолларда суд харажатлари масаласи Фуқаролик процессуал кодексининг 118-моддасида белгиланган тартибда ҳал этилади. Апелляция инстанцияси суди даъвогарнинг даъводан воз кечишини қабул қилишдан ёки тарафлар ўртасидаги келишув битимини тасдиқлашдан олдин, даъвогарга (тарафларга) Фуқаролик процессуал кодексининг 102-моддасида назарда тутилган хуқуқий оқибатларни тушунтириши лозим. Судларга шу нарса ҳам уқтириб ўтилсинки, даъвогар арз қилган талабларидан воз кечганда ёки апелляция инстанцияси суди мажлисида тарафлар ўртасидаги келишув битими тасдиқланганда, ҳал қилув қарори бекор қилиниши, иш юритиш эса мазкур асосларга биноан Фуқаролик процессуал кодексининг 330-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда тугатилиши лозим. Апелляция инстанцияси суди келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажримда унинг шартларини баён этиши лозим. Судлар шуни назарда тутиши жоизки, апелляция инстанцияси суди шикоятдан воз кечишни қабул қилганида (протест қайтариб олинганида) ҳам, даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилганида ва тарафларнинг келишув битимини

тасдиқлаганида ҳам ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ҳамда асослиги масаласини муҳокама қилиб ўтирмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтадиган бўлсак, фуқаролик процессида келишув битимини тасдиқлаш ва иш юритишни тугатиш қўйидаги ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Биринчидан, Фуқаролик процессуал кодексининг 102-моддасига кўра, иш юритиш тугатилган тақдирда, айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан судга иккинчи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди. Иккинчидан, Фуқаролик процессуал кодексининг 107-моддасига кўра, тарафлар ишни келишув битими билан тамомлаган ҳолларда тўланган бож қайтарилмайди. Учинчидан, Фуқаролик процессуал кодексининг 152-моддасига кўра, тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса, аризани қабул қилиш рад этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 18-бандида “тарафлар ярашганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш” атамаси қўлланилган. Бу эса “келишув битими” билан “тарафларнинг ярашиши” атамаларини чуқур таҳлил этиш заруратини юзага келтиради. Мазкур атамалар ўз мазмунига кўра турли ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарса-да, бироқ иккала ҳолатда ҳам суд Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасини қўллаб, иш юритишни тугатади. Шу ўринда, ҳақли савол туғилади: агар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш бўйича тарафлар, яъни эр ва хотин ўзаро ярашиш истагини билдирса, суд қандай ҳужжат билан буни расмийлаштириши керак? Ишнинг кейинги тақдири нима билан тугайди? Олий суд Пленумининг юқоридаги қарорида тарафлар ярашганлиги муносабати билан суд иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқариши юзасидан тушунтириш бермоқда. Бироқ Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасида назарда тутилган иш юритишни тугатиш

асосларида “тарафлар ярашганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш” атамаси қўлланилмаган. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида ушбу ҳолатда судлар Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддаси 2-бандини (тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса) қўллаб иш юритишни тугатмоқдалар. Бироқ “тарафларнинг ярашиши” бу “келишув битими” эмаску!

Шундай экан, фикримизча, агар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан тарафлар хотин ўзаро ярашиш истагини билдирсалар, суд иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқариши ҳақидаги норма Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасига алоҳида банд сифатида киритилиши таклиф қилинади.

Келишув битими институтининг ўзига хослиги у нафақат фуқаролик процессида балки хўжалик процессида ҳам тарафларнинг махсус процессуал ҳуқуқларидан бири эканлиги, иш юритишни тугатиш асосларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексида белгиланганлиги билан изоҳланади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Келишув битимини тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси нормаларининг қўлланилиши ҳақида”ги 2009 йил 18 декабрдаги 204-сонли қарорининг қабул қилиниши ҳам ушбу институтнинг суд амалиётида муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради. Мазкур Олий хўжалик суди Пленумида кўрсатилишича, келишув битими деганда, ўзаро келишишга асосланган, даъво талаби (талаблари)га нисбатан аниқликка эришишга қаратилган, низони ҳал қилиш тўғрисидаги тарафларнинг ёзма келишуви тушунилади. Судларга тушунтирилсинки, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича келишув битими тузишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси 122-моддаси биринчи қисмининг 9-бандига мувофиқ суд ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида тарафларни муроасага келтириш чораларини кўради. Шу муносабат

билан даъво аризасини қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда суднинг тарафларга нисбати келишиш йўли билан ҳал этиш ҳақидаги таклифи кўрсатилиши лозим. Тарафлар суд муҳокамаси давомида келишув битими тузиш истагини билдирган ҳолда, суд тарафларга ушбу суд мажлисида келишув битими тузишни таклиф этиши ёки тарафлар келишув битими шартларини ишлаб чиқишлари учун уларга имконият берган ҳолда, ишни кўришни бошқа муддатга қолдиришга ҳақлидир. Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги масала суд мажлисида кўриб чиқилади. Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида Хўжалик процессуал кодекси нормаларининг талабларига мувофиқ хабардор қилинади. Судларга келишув битимининг шакли ва мазмуни, уни тузиш тартибига қўйиладиган талабларга риоя этилган ҳолда тузилган келишув битимини тасдиқлаш суднинг ҳуқуқи эмас, балки мажбурияти эканлиги тушунтирилсин. Шартли тузилган келишув битимини тасдиқлашга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 44-моддасининг биринчи қисмида давлат органлари ва бошқа органлар ўзларининг ваколатлари доирасида давлат ва жамиятнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво такдим этишлари мумкинлиги назарда тутилган. Даъво такдим этган мазкур органлар даъвогарнинг келишув битими тузиш ҳуқуқидан ташқари барча ҳуқуқ-ларидан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради. Манфаати кўзланган шахс давлат органи ёки бошқа орган томонидан берилган даъво бўйича жавобгар билан келишув битими тузишга ҳақли. Бундай ҳолда давлат органи ёки бошқа органнинг келишув битимини тузишда иштироки талаб этилмайди. Келишув битими ёзма шаклда расмийлаштирилади ва тарафлар ёки келишув битимини тузиш ваколати махсус назарда тутилган ХПК 52-моддасининг талабларига мувофиқ берилган ишончнома мавжуд бўлган ҳолда, уларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Бундай ишончнома келишув битимига илова қилиниши ва иш ҳужжатларига қўшиб қўйилиши лозим. Келишув битими мазкур битимни

тузган шахслар сонидан биттага ортиқ нусхада тузилади ва имзоланади. Ушбу нусхалардан биттаси иш ҳужжатларига қўшиб қўйилади. Судлар инобатга олишлари лозимки, келишув битимининг шартлари аниқ, равшан баён қилиниши ва унинг ижро этилишида келишув битимининг мазмуни бўйича ҳар хил талқин қилинишига ва келгусида низоларнинг келиб чиқишига йўл қўймайдиган бўлиши керак. Келишув битими тарафларнинг бир-бири олдидаги ўзаро мажбуриятларининг шартлари, миқдори ва бажариш муддатлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим. Келишув битими, хусусан: мажбуриятлар бажарилишининг кечиктирилиши ёки бўлиб-бўлиб бажарилиши тўғрисидаги; қарзни, неустойкани тан олиш ёки уларнинг миқдорини камайтириш тўғрисидаги; суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги шартларни ўз ичига олиши мумкин. Келишув битими шартларини кўриб чиқишда суднинг вазифаси тарафларнинг келишув битимини тузиш ва иш юритишни тугатишга бўлган ҳақиқий хоҳиш-иродасини, улар томонидан келишув битими тузилаётганида қонун талаблари бажарилганлигини аниқлаш ва келгусида келишув битимини суд ҳужжатлари билан тенг шартларда ижро қилинишини таъминлашдан иборатдир. Суд келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилаётганида тарафлар тақдим этган келишув битими қонун ҳужжатларига хилоф эмаслигини ва у бошқа бирор-бир шахснинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузماётганлигини, агар келишув битими кўчар ёки кўчмас мулкни бериш тўғрисидаги шартни ўз ичига олса, суд ушбу мулкка учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бор-йўқлигини (хатлаб қўйилганлигини, гаровга қўйилганлигини ва ҳ.к.) текшириши лозим. Кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, суд ХПК 40-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ келишув битимини тасдиқлашни рад этади ва ишни мазмунан кўриб чиқади. Судлар келишув битими ҳуқуқий табиатига кўра битим эканлигини ва келишувнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини ўрганишда уни тузиш тартибини ҳам текширишлари лозимлигини ҳисобга олишлари керак. Суд томонидан келишув битимининг тасдиқланиши иш

юритишни тугатишга асос бўлади (ХПК 86-моддасининг 7-банди ва 132-моддаси). Мазкур Пленум қарорида келишув битими тушунчаси, уни тузиш тартиби, судлар томонидан келишув битими тузишда эътибор қаратиш керак бўлган масалалар тўғрисида батафсил тушунтиришлар берилиши ўз навбатида хўжалик судларида ушбу институтни суд амалиётида татбиқ этишда бир мунча қулайликлар яратади. Шу боисдан, фуқаролик ишлари бўйича судларда келишув битими тузиш тартиби, шартлари, асослари, бу тўғрисидаги ажрим ва унинг мазмуни, келишув битими тузиш оқибатлари, қайси фуқаролик ишларида келишув битими тузишга йўл қўйилмаслиги масалалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг махсус “Келишув битимини тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси нормаларининг қўлланилиши ҳақида”ги қарори қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юридик адабиётларда эътироф этилишича, тарафларнинг процессда суд ҳимоясидан воз кечишлари қўйидаги шаклда амалга оширилади:

- даъвогар томонидан – даъводан воз кечиш,
- жавобгар томонидан – даъвони тан олиш.¹

Тарафларнинг ҳохишига кўра иш юритишни тугатиш асосларининг навбатдагиси бу - даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги суд ажримининг мавжуд бўлишидир.

ФПКнинг 40-моддасига кўра, даъвогар ўз арзида баён қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини оширишга ёки камайтиришга, улардан бутунлай ёки қисман воз кечишга ҳақли. Агар даъвогарнинг даъводан воз кечиши, жавобгарнинг даъвони тан олиши ва тарафларнинг келишув битими қонунга хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, суд даъводан воз кечишни, даъвони тан олишни қабул қилмайди ва келишув битимини тасдиқламайди.

¹ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, ТДЮИ. 2010. – Б.381.

Шундай қилиб, агарда қонунга зид бўлмаса ва даъвогарнинг манфаатларига мос келса, даъвогар даъводан воз кечиши мумкин ва даъводан воз кечиш суд процессини тугатишга олиб келади.

Ҳуқуқшунос олим М.М.Мамасиддиқов фикрича, даъводан воз кечиш – даъвогарнинг суд процессида олиб борилаётган ишни тугатишга қаратилган даъводан воз кечишини билдирувчи маълумотидир.¹

Даъвогар агарда унинг даъвоси бир неча қисмдан иборат бўлса, даъвонинг бир қисмидан воз кечишга ҳам ҳақли. Даъводан воз кечиш даъвогарнинг бир тарафлама ҳаракати бўлиб, ҳар хил ҳолатдан келиб чиқиши мумкин. Бунда иш асосан жавобгарнинг фойдасига ҳал бўлади, чунки унинг даъвогарнинг ҳуқуқларини бузишдаги айбларини оқлашига ҳожат қолмайди ва иш тугатилади.

Агар даъвогар асоссиз даъво билан мурожаат қилганлигини тушуниб етса ёки даъво аризаси берилганидан сўнг тақдим этилаётган даъво жавобгар томонидан қаноатлантирилса, даъво аризасини қайтариб олиши мумкин. Даъво аризаси қайтариб олинанишидан олдин суд бунинг сабабларини кўриб чиқиши ва оқибатларини даъвогарга тушунтириши керак. Бу талабларнинг бажарилмаслиги, қонун бузилиши деб қабул қилинади ва суднинг ишни тугатиш ҳақидаги қарори бекор қилиниши ҳам мумкин. Лекин прокурор, давлат бошқарув органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар томонидан берилган даъво аризасининг қайтариб олинаниши шахснинг ишни мазмунан кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида”ги 19-сонли қарори 7-бандига кўра, даъводан воз кечилганлиги тўғрисидаги, даъвонинг тан олинганлиги тўғрисидаги, шунингдек келишув битимига эришилганлиги тўғрисидаги арзлар суд мажлиси баённомасига киритилади ва тегишинча, даъвогар, жавобгар ёки иккала тараф томонидан имзоланади. Агар бундай арзлар ёзма

¹ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, ТДЮИ. 2010. –Б. 381.

шаклда тақдим этилган бўлса, мазкур аризалар ишга қўшиб қўйилиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади. Суд мажлиси баённомасига киритилган тушунтиришлар, кўрсатувлар ва хулосалар, агар суд зарур деб топса, суд процесси иштирокчилари (тарафлар, гувоҳлар, экспертлар) томонидан имзоланиши мумкин.

Шу ўринда, Фуқаролик процессуал кодексининг 1-моддасида судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмаслиги тўғрисида норма мустаҳкамлаб қўйилган. Бир қараганда ушбу норма даъводан воз кечганлик учун иш юритишни тугатиш масалаларига тўғридан-тўғри алоқадор эмасга ўхшайди. Бироқ Фуқаролик процессуал кодексининг 40-моддасида белгиланган қоида билан мазмунан бир-бири билан яқиндир. Унга кўра, агар даъвогарнинг даъводан воз кечиши қонунга хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, суд даъводан воз кечишни қабул қилмайди. Маълумки, эркин ҳуқуқлилик тамойилига кўра, манфаатдор шахс ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатини ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат қилишни ўзи ҳал этади. Бироқ агар манфаатдор шахс у ёки бу сабабларга кўра ёки бирон-бир таъсирсиз судга мурожаат қилмаса, ушбу ҳолат судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш, деб баҳоланмаслиги керак. Юридик адабиётларда ҳам эркин ҳуқуқ тамойилига фуқаролик процессуал ҳуқуқи субъектларининг процессни вужудга келтириши, ҳаракатланиши ва тугаши билан боғлиқ бўлган процессуал ҳуқуқлар ва улар томонидан амалга оширилиши учун суд, прокуратура, давлат бошқарув органлари томонидан ёрдам кўрсатилиш билан боғлиқ низоли моддий ҳуқуқларидан фойдаланиш эркинлиги эканлиги ҳақида фикрлар илгари сурилади.¹

Бизга маълумки, судларда даъво тартибида юритиладиган ишлардан ташқари суд ишларини юритишнинг бошқа турлари бўйича ҳам фуқаролик ишлари мазмунан кўрилади. Булар алоҳида тартибда юритиладиган ишлар

¹ Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари ва уларни суд амалиётида татбиқ этиш муаммолари. Юрид. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. –Тошкент, ТДЮИ. 2007. -7 б.

хамда давлат органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича юритиладиган ишлардир. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: даъводан воз кечиш институти алоҳида тартибда юритиладиган ишлар ҳамда давлат органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича юритиладиган ишларга татбиқ этиладими? Бошқача айтганда алоҳида тартибда юритиладиган ишларда ёки давлат органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича юритиладиган ишларда аризачи ёки шикоят билан мурожаат қилган шахслар ўз ариза ёки шикоятларидан воз кечиши мумкинми? Агар воз кечиш мумкин бўлса, у қандай оқибатларни келтириб чиқаради? Ушбу воз кечиш суд томонидан қабул қилинадиган бўлса, иш юритиш Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддаси асосида тугатиладими?

Биз қуйида ушбу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасида иш юритишни тугатишга асос сифатида даъвогарнинг даъводан воз кечиши баён этилмоқда. Бироқ даъводан воз кечиш бу даъво тартибида юритиладиган ишларни судда кўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларидан биридир. Суд ишларини юритишнинг бошқа турларида низо бўлмаганлиги боис, даъводан воз кечиш институти қўлланилмайди. У ҳолда алоҳида тартибда юритиладиган ишларда ёки давлат органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича юритиладиган ишларда аризачи ёки шикоят билан мурожаат қилган шахслар ўз ариза ёки шикоятларидан воз кечиш, суд ушбу воз кечишни қабул қилса, иш юритиш Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасига кўра тугатилиши мумкин. Бироқ бунинг учун Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ва унда алоҳида тартибда юритиладиган ишларда ёки давлат органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг

хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича юритиладиган ишларда аризачи ёки шикоят билан муурожаат қилган шахслар ўз ариза ёки шикоятларидан воз кечиши ва ушбу воз кечиш суд томонидан қабул қилиниши иш юритишни тугатишга асос бўлиши тўғрисидаги норма киритилиши лозим.

Тарафларнинг хоҳишига кўра иш юритишни тугатиш асосларининг навбатдагиси бу - жавобгар даъвогарнинг талабларини тан олган бўлиб, бу тан олиш судья томонидан қабул қилинган бўлишидир. Фақат бу асос билан иш юритишни тугатиш албатта қуйидаги шарт мавжуд бўлганидагина амалга оширилиши мумкин: жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва бу тан олиш судья томонидан қабул қилиниши судда иш кўриш жараёнида эмас, балки ишни судда кўришга тайёрлаш вақтида юз берган бўлиши талаб этилади. Шунинг учун Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасида иш юритишни тугатишнинг бешинчи асоси сифатида ишни судда кўришга тайёрлаш вақтида жавобгар даъвогарнинг талабларини тан олган бўлса ва бу тан олиш судья томонидан қабул қилинган бўлса, иш юритиш тугатилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Даъвони тан олиш – жавобгар томонидан судда даъвогар талабларининг қаноатлантирилишига розилик билдириши ишнинг даъвогар фойдасига ҳал бўлишига олиб келади. Даъвони тан олиш ҳеч қандай тазйиқ остида бўлмаслиги, яъни жавобгарнинг ўз хоҳиши билан амалга оширилиши керак. Агарда қонунга зид бўлмаса ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаса, суд жавобгарнинг даъвони тан олиш ҳақидаги аризасини қабул қилади.

Шу ўринда жавобгар даъвогарнинг даъво талабларини ишни судда кўриш жараёнида тан оладиган бўлса, иш юритишни тугатиш мумкин бўлмаслигига эътибор бериш лозим. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 180-моддаси тўртинчи қисмига кўра, жавобгар арз қилинган талабларни тан олса ва суд тан олишни қабул қилса, арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Фуқаролик

процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида”ги 19-сонли қарорининг 7-бандида ҳам тушунтириш берилган. Унга кўра, жавобгар арз қилинган талабларни судда иш кўрилаётганда тан олиши иш юритишни тугатишга асос бўла олмайди. Суд тан олишни қабул қилса, арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилади. Мазкур қонуннинг белгиланиши, биринчидан, тарафларни, айниқса, жавобгарни низоли ишни суд мажлиси бошлангунига қадар даъвои тан олиши учун рағбатлантиришга хизмат қилади. Чунки жавобгар ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида даъвои тан олса ва уни суд қабул қилгудек бўлса, у ишни кўриш билан боғлиқ бўлган айрим чиқимларни, хусусан, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммаларни ҳамда жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш мажбуриятдан озод бўлиши мумкин. Чунки юқоридаги суд чиқимлари асосан ишни судда кўриш жараёни билан боғлиқдир. Иккинчидан, белгиланган ушбу қоида жавобгарларга ўз вақтида ўзи томонидан содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракатни нотўғрилигини тан олишга даъват қилади. Чунки Фуқаролик процессуал кодексининг 180-моддасида белгиланишича, ишни судда кўриш жараёнида жавобгар арз қилинган талабларни тан олса ва суд тан олишни қабул қилса, арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради. Шундай экан, суд Фуқаролик процессуал кодексининг 109-моддасида назарда тутилган ишни кўриш билан боғлиқ бўлган барча чиқимларни жавобгар зиммасига юклаши мумкин.

Тарафларнинг ҳохиши билан боғлиқ бўлган иш юритиш асослари ҳақида гапирганда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонун-чиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли Қарорининг 6-бандида берилган тушунтириш юзасидан айрим фикр-мулоҳазаларни билдирмоқчиман. Пленум қарорининг ушбу бандида берилган тушунтиришга кўра, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризасини қабул

қилишда шуни инобатга олиш лозимки, Оила кодекси 39-моддасига мувофиқ, эр хотинининг розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга, гарчи у туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида боланинг отаси сифатида ёзилмаган бўлса ҳам, ҳақли эмас. Мазкур қоида бола ўлик туғилган ёки бир ёшга тўлмай вафот этган ҳолларга ҳам татбиқ этилади. Хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга розилиги бўлмаган ҳолларда, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар у қабул қилинган бўлса, **суд иш юритишни тугатади**. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш хотиннинг розилиги билан қўзғатилган бўлиб, ишни суд мажлисида кўриш вақтида у никоҳдан ажратишга қарши эътироз билдирган, шунингдек хотиннинг ҳомиладорлиги ва унинг никоҳдан ажратишга розилиги йўқлиги ишни апелляция, кассация ёки назорат инстанциясида кўриш вақтида маълум бўлган барча ҳолларда ҳам **иш юритиш тугатилиши** лозим.¹

Кўриб турганимиздек, Олий суд Пленуми қарорида эрнинг хотинини розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш тўғрисида тақдим этган даъвосини суд қабул қилиб, хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга розилиги бўлмаган ҳолларда, суд иш юритишни тугатиши ҳақида тушунтириш бериш билан бирга, иш юритишни тугатишнинг ФПКда назарда тутилмаган асосини кўрсатмоқда. Ваҳоланки, юридик адабиётларда иш юритишни тугатиш асосларини назарда тутувчи рўйхат қатъий эканлиги ва уни кенгайтириб шарҳлашга йўл қўйилмаслиги юзасидан фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Қолаверса, суд амалиётида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги эр томонидан қўзғатилган ишларда Оила кодексининг 39-моддасида баён этилган талаблар, хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмаслиги тўғрисидаги талаблар бузилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли Қарори. ИПС “Норма”.

тақдирда судлар Фуқаролик процессуал кодексининг 152-моддаси 1-бандига кўра, яъни ариза судда кўришга тегишли бўлмаслигини кўрсатиб, аризани қабул қилишни рад этмоқдалар, агар ариза суд томонидан қабул қилинган бўлиб, судда иш юритилаётганда ушбу ҳолат аниқланса, Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддаси 1-бандига кўра, яъни иш судга тааллуқли бўлмаганлиги асосида иш юритиш тугатилади.

Бизга маълумки, иш юритиш тугатилган тақдирда, айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан судга иккинчи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди (ФПКнинг 102-моддаси). Ваҳоланки, никоҳдан ажратиш тўғрисида даъво ариза билан мурожаат қилган эр Оила кодексининг 39-моддасида белгиланган муддат ўтгач, худди ўша талаб, ўша асос ҳамда айти ўша тарафга нисбатан муқаддам илгари сурган талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу тоифадаги ишлар бўйича иш юритишни тугатиш оқибатини назарда тутувчи ФПКнинг 102-моддаси талабларига риоя қилинмаётганлигини кўрсатади. Бу каби нотўғри амалиётга чек қўйиш лозим. Шу ўринда тадқиқ этилаётган мазкур масала бўйича хорижий давлатлар қонунчилиқ тажрибаси ўрганилганда ушбу масала ўз ечимини топганлигини кўриш мумкин. Масалан, Молдова Республикаси ФПКнинг 267-моддаси h-бандига кўра, эрнинг хотинини розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш тўғрисида тақдим этган даъвосини суд қабул қилиб, хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга розилиги бўлмаган ҳолларда, суд аризани кўрмасдан қолдириши белгилаб қўйилган.

Юқорида билдирилган фикрларни ҳамда хорижий давлатлар қонунчилиқ тажрибасини эътиборга олган ҳолда, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 97-моддасига аризани кўрмай қолдириш асосларига қўшимча сифатида қуйидаги нормани киритиш таклиф қилинади:

“7) эрнинг хотинини розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш

тўғрисидаги даъвосини судда кўриш вақтида хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга розилиги бўлмаганлиги аниқланса.”

2.2. Тарафларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатда иш юритишни тугатиш асослари ва унинг ўзига хос жиҳатлари

Тарафларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатда иш юритишни тугатиш асосларининг ичида нисбатан кенг тарқалгани бу – фуқаролик ишининг судга тааллуқли бўлмаслигидир.

Фуқаролик суд ишларини юритишни ўз вақтида кўриб ҳал этишда фуқаролик ишларининг тааллуқлиги муҳим аҳамият касб этади. Аввало фуқаролик ишларини тааллуқлилиги ўзи нима деган ҳақли савол туғилади. Бу тўғрисида юридик адабиётларда ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилган. Масалан ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шорахметов фуқаролик ишларининг тааллуқлилиги деганда бундай ишларни кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун билан муайян давлат органи ёки жамоат ташкилотига юклатилганлигини тушунади¹. Ж.Т. Холмўминов, А.Х.Дусманов, Т.Н.Тиллаевларнинг фикрича эса, тааллуқлилик деб, суд ва бошқа органлар ўртасида фуқаролик ишларини юритиш ва уларни ҳал этишдаги берилган ваколатга (ҳуқуқига), яъни аниқловчи ва чегараловчи институтга айтилади².

М.М.Мамасиддиқов тааллуқлиликка қуйидагича **кенг** ва **тор** маънода таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб таъкидлайди. **Кенг маънодаги тааллуқлилик** қонун ва қонуности норматив–ҳуқуқий ҳужжатларга кўра юзага келган ҳуқуқий ишларни у ёки бу давлат ҳокимияти органлари ёхуд маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ҳал қилинишини белгилаб берувчи механизм вазифасини бажарувчи соҳалараро институт ҳисобланади. **Тор маънодаги тааллуқлилик деганда** эса, субъектив ҳуқуқнинг мазмуни ва ишда иштирок этувчи шахслар таркиби хусусиятидан келиб

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. -Тошкент, Адолат. 2001. -95.

² Холмўминов Ж.Т., Дусманов А.Х., Тиллаев Т.Н. Фуқаролик процесси: Маърузалар курси. –Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. -Б.47.

чиқиб, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун ҳужжатлари билан муайян давлат органлари, жамоат ташкилотлари ёки бошқа ваколатли органлар зиммасига юклатилганлиги тушуниладиган фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанига оид илмий тоифа ҳисобланади¹.

Юқорида билдирилган фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, фуқаролик ишларининг тааллуқлилиги бу фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш суд ёки бошқа органлар, ташкилотларга тегишли эканлиги тушунилади. Фуқаролик ишларининг тааллуқлилиги бу ишни тўғри ҳал этилиши, фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини қисқа муддатларда тикланишида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам Фуқаролик процессуал кодексида судга тааллуқли ишлар тўғрисида алоҳида ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланган. Яъни, ФПКнинг 31-моддасига кўра, судларга қуйидаги ишлар тааллуқли:

1) тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, қонунда бундай низоларни ҳал қилиш хўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар бундан мустасно;

2) ФПКнинг 279-моддасида санаб ўтилган алоҳида тартибда кўриладиган ишлар;

3) қонун билан судларнинг ваколатига берилган бошқа ишлар.

Демак, юқорида назарда тутилган ҳолларда фуқаролик ишлари судга тааллуқли бўлади. Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2012 йил 14 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақидаги 12/239-сонли қарорида кўрсатилишича, ФПК 31-моддаси ва ХПК 23-моддаси мазмунидан келиб чиқиб судлар шуни назарда тутишлари керакки, якка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлмаган фуқаро иштирокидаги низолар умумий юрисдикция судларига тааллуқли.

¹ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. –Тошкент, ТДЮИ. 2010. -Б.259.

Агар якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти белгиланган тартибда судга даъво тақдим этилгунга қадар тугатилган бўлса, унинг иштирокидаги, шу жумладан, унинг олдинги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ низо ҳам умумий юрисдикция судига тааллуқли. Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти судга даъво тақдим этилгандан сўнг тугатилган тақдирда, низо хўжалик судига тааллуқли. Тадбиркорлик фаолиятининг тўхтатилиши хўжалик судида иш бўйича иш юритишни тугатиш учун асос бўлмайди.

Агар фуқаро қонунда белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор мақомини олган бўлиб, аммо низо унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан эмас, балки уй-жой, оила-никоҳ ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан бўлса, бундай низо умумий юрисдикция судларида кўриб чиқилади.

Шунингдек, мазкур Пленум қарорининг учинчи ва бешинчи бандида белгиланишича, судларга тушунтирилсинки, ташкил этилаётган юридик шахс таъсисчиларидан лоақал биттаси фуқаро бўлган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик устидан берилган шикоят умумий юрисдикция судларига тааллуқлидир.

Юридик шахсни қайта ташкил этишни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик устидан ушбу юридик шахс томонидан берилган ариза (шикоят)лар хўжалик судларига тааллуқлидир.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилинмаслик ўз навбатида аризани рад қилиш ёки иш юритишни тугатишга олиб келади. Шунингдек, ушбу турдаги ишларнинг тааллуқлилигини аниқ белгилаб қўйилиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини фуқаролик ва хўжалик судлари томонидан ўз вақтида ҳимоя қилинишини ҳамда уларни вақтини тежашга, ортиқча харажатларни олдини олишга хизмат қилади.

Фуқаролик ишларини тааллуқлилиги иш юритишни тугатишнинг муҳим асосларидан бири сифатида ФПКнинг 100-моддасида белгиланган. Бошқа давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигини ўрганадиган бўлсак, масалан Россия Федерацияси ФПКнинг 220-моддасига кўра, ушбу кодекснинг 134-моддаси 1-қисмида кўрсатилган асос бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ишни кўриш ва ҳал қилиш судга тааллуқли бўлмаса¹, Беларусь Республикаси ФПКнинг 164-моддасига кўра, иш судда кўриш учун тааллуқли бўлмаса², Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 247-моддасига кўра, иш фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида кўришга тегишли бўлмаса³, Эстония Республикаси ФПКнинг 218-моддасида⁴ белгиланишича, иш суднинг ваколатига тегишли бўлмаса, иш юритишни тугатиш асосларидан бири сифатида белгиланган. Демак, бошқа давлатларда ҳам ишни судга тааллуқли эмаслиги иш юритишни тугатиш асосларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик процессида иш юритишни тугатиш асослари бўйича бошқа давлатларининг фуқаролик процессуал қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, масалан, Россия ФПКнинг 220-моддасига кўра, суд куйидаги ҳолларда иш юритишни тугатади:

- 1) ушбу Кодекснинг 134-моддаси 1-қисмида кўрсатилган асос бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ишни кўриш ва ҳал қилиш судга тааллуқли бўлмаса;
- 2) айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим мавжуд бўлса;
- 3) даъвогар даъводан воз кечган ва суд воз кечишни қабул қилган бўлса;

¹ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru/popular/gpkrf/>.

² Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь. <http://www.pravo.kulichki.ru/vip/gpk/index.htm>.

³ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index.cgi/61?pid=83&p=517>.

⁴ Гражданский процессуальный кодекс Республики Эстония. <http://qanun.narod.ru/codes.html>.

- 4) тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса;
- 5) ҳакамлик судининг тарафлар ўртасидаги айна бир предмет ва айна бир асос бўйича чиққан низо юзасидан ҳал қилув қарори бўлиб, у тарафлар учун мажбурий бўлса, агар суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш бўйича ижро варақаси беришни рад қилган ҳолат бундан истисно;
- б) иш бўйича тарафлардан бири бўлган фуқаронинг вафотидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса ёки иш бўйича тарафлардан бири бўлган ташкилот ликвидация қилиб тугатилган бўлса¹.

Беларусь Республикаси ФПКнинг 164-моддасига кўра, суд иш юритишни тугатади, агар:

- 1) иш судда кўриш учун тааллуқли бўлмаса;
- 2) айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим мавжуд бўлса;
- 3) даъвогар даъводан воз кечган ва суд воз кечишни қабул қилган бўлса;
- 4) тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса;
- 5) иш бўйича тарафлардан бири бўлган фуқаронинг вафоти, шунингдек, юридик шахснинг ликвидация билан боғлиқ бўлиб, низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса;
- б) тарафлар ўртасида келиб чиққан низо бўйича айна бир предмет ва айна бир асос юзасидан унинг ваколатига кирган ва қабул қилинган ўртоқлик судининг ҳал қилув қарори тузилган бўлса;

¹ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru/popular/gpkrf/>.

7) ушбу Кодексада кўрсатилган ҳолларда тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса;

8) ҳакамлик судининг тарафлар ўртасидаги айна бир предмет ва айна бир асос бўйича чиққан низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса, агар суднинг қонуний кучга кирган ажрими билан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш бўйича ижро варақаси беришни рад қилган ҳолат бундан истисно¹.

Хитой Халқ Республикаси ФПКнинг 137-моддасига кўра, иш юритиш кўйидаги ҳолларда тугатилади:

1) даъвогарнинг вафот этиши ворислик билан боғлиқ бўлмаса ёки вориснинг ўз процессуал ҳуқуқларини рад қилиши;

2) жавобгарнинг вафот этиши мерос билан боғлиқ бўлмаса, шунингдек, ўша шахс жавобгарнинг мажбуриятларини ўз зиммасига олишга мажбурлиги;

3) никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича тарафлардан бирининг вафот этиши;

4) вояга етмаган болаларга алимент, хотинга алимент (собик хотин), ота-онага алимент ундириш тўғрисидаги ишларда тарафлардан бирининг вафот этиши, шунингдек алимент муносабатларини тугаши².

Фуқаролик ишларини тугатиш борасида хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигининг таҳлили шуни кўрсатадики, иш юритишни тугатиш асосларини назарда тутувчи қонунчиликда жиддий тафовут мавжуд эмас. Бироқ Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 100-моддасида назарда тутилгани асослардан бошқача асослар бўйича ҳам иш юритишни тугатиш назарда тутилган. Масалан, Россия ФПКнинг 220-моддасига кўра, иш

¹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь. <http://www.pravo.kulichki.ru/vip/gpk/index.htm>.

² Гражданский процессуальный кодекс Китайской Народной Республики. (Принят на 4-й сессии Всекитайского собрания народных представителей седьмого созыва 9 апреля 1991 г. Опубликовано Указом Председателя Китайской Народной Республики № 44 от 9 апреля 1991 г. Вступил в силу с 9 апреля 1991 г.)

юритишни тугатишга мамлакатимиз қонунчилигидан фарқли ўлароқ қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

- айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш бўйича ижро варақасини бериш рад этилган ҳолатлар бундан мустасно;

- иш бўйича тарафлардан бири бўлган юридик шахснинг тугатилиши натижасида низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Беларусь ФПКнинг 164-моддасига кўра, иш юритишни тугатишга мамлакатимиз қонунчилигидан фарқли ўлароқ қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

- айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича ўртоқлик судининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори мавжуд бўлса.

Украина ФПКнинг 205-моддасида ҳам мамлакатимиз қонунчилигидан фарқ қилувчи иш юритишни тугатишга асос бўладиган ҳолатлар мавжуд. Унга кўра:

- айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан ҳакамлик судининг ўз ваколати доирасида қабул қилган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш бўйича ижро варақасини бериш рад этилган ҳамда ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судига ишни янгидан кўриш учун қайтарган, бироқ ушбу ҳакамлик судиди иш кўриш мумкин бўлмай қолган ҳолатлар бундан мустасно;

- иш бўйича тарафлардан бири бўлган ташкилотнинг тугатилиши натижасида низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.¹

¹ Цивільний процесуальний кодекс України. N 1618-IV, 18.03.2004, Кодекс, Верховна Рада України. Відомості Верховної Ради України (ВВР), 2004, N 40-41, 42, ст.492 (с изменениями и дополнениями, последние из которых внесены законами Украины от 13 апреля 2012 года № 4652-VI, от 24 мая 2012 года №

Озарбайжон ФПКнинг 261–моддасига кўра иш юритишни тугатишга мамлакатимиз қонунчилигидан фарқли ўлароқ қуйидагилар асос бўлади:

- айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан чет давлат судининг қонуний кучга кирган қарори мавжуд бўлиб, мазкур қарор Озарбайжон Олий судининг иш юритувчига қабул қилинган ва тан олинган бўлса;

- айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан ҳакамлик судининг ўз ваколати доирасида қабул қилган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш бўйича ижро варақасини бериш рад этилган ҳамда ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судига ишни янгидан кўриш учун қайтарган, бироқ ушбу ҳакамлик судиди иш кўриш мумкин бўлмай қолган ҳолатлар бундан мустасно;

- ишда иштирок этувчи юридик шахс тугатилган бўлса;

- судга мурожаат қилган манфаатдор шахс томонидан мазкур тоифадаги ишлар бўйича низони судга қадар ҳал этиш тартибига риоя қилинмаган бўлса ва мазкур тартибни қўллаш имконияти йўқотилган бўлса.

Арманистон ФПКнинг 109–моддасида иш юритишни тугатишга асос бўладиган ва мамлакатимиз қонунчилигидан фарқ қилувчи битта жиҳат кўзга ташланади. У ҳам бўлса, агар айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш бўйича ижро варақасини бериш рад этилган, шунингдек Арманистоннинг “Ҳакамлик судлари ва ҳакамлик суд ишларини юритиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳолатлари бундан мустасно.

Кўриб турганимиздек, аксарият хорижий давлатлар фуқаролик процесуал қонунчилигида иш юритишни тугатишга асос бўладиган ҳамда миллий қонунчилигимизда назарда тутилмаган ҳолатлар сифатида қуйидагилар эътироф этилмоқда:

- иш бўйича тарафлардан бири бўлган ташкилотнинг тугатилиши натижасида низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаслиги;

- айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш бўйича ижро варақасини бериш рад этилган ҳолатлар бундан мустасно.

Шу ўринда, мамлакатимиз Хўжалик процесуал кодексида ҳам иш юритишни тугатиш асослари сифатида юқорида хорижий давлатлар қонунчилигида қайд этилган асосларнинг мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, ХПКнинг 86-моддасига мувофиқ, суд ҳакамлик судининг айти бир шахслар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса, ҳакамлик судининг қарорини мажбурий тарзда ижро этиш юзасидан хўжалик суди ижро варақасини беришни рад этган, ишни янгидан кўриш учун ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судига юборган, лекин ишни ўша ҳакамлик судида кўриш мумкин бўлмай қолган ҳоллар бундан мустасно бўлса ҳам иш юритишни тугатишга ҳақли бўлади.

Бизнинг фикримизча, миллий фуқаролик процессал қонунчилигимизда ҳам юқорида қайд этилган асос бўйича, яъни суд ҳакамлик судининг айти бир шахслар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса, ҳакамлик судининг қарорини мажбурий тарзда ижро этиш юзасидан ваколатли суд ижро варақасини беришни рад этган, ишни янгидан кўриш учун ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судига юборган, лекин ишни ўша ҳакамлик судида кўриш мумкин бўлмай қолган

ҳоллар бундан мустасно бўлса ҳам иш юритишни тугатишни назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ундан ташқари, юқоридаги хорижий давлатларнинг фуқаролик суд ишларини юритишни тугатиш асосларини ўрганиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, фуқаролик процессида тараф сифатида нафақат фуқаролар, балки ташкилотлар ҳам иштирок этади. Бироқ, миллий фуқаролик процессуал конунчилигида тарафлардан бири бўлган юридик шахс тугатилган бўлса иш юритиш тугатилиши ёки кўриб чиқилиши тўғрисида ҳуқуқий норма мавжуд эмас. ***Шу боисдан фикримизча, иш юритишни тугатиш асосларни кенгайтириш мақсадида ФПКнинг 100-моддасига 8-банд сифатида “иш бўйича тарафлардан бири бўлган юридик шахс тугатилган бўлса ва низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса” деб номланган қўшимча ва ўзгартириш киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.***

Ишни судга тааллуқли эмаслиги нафақат ишни тугатиш балки бошқа ҳуқуқий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради. Бу тўғрисида тўғрисида ҳуқуқшунос олим Д.Ю.Хабибуллаев шундай таъкидлайди: Тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмаслик қуйидаги оқибатларни келтириб чиқаради: 1) Аризани қабул қилиш рад этилади (ФПКнинг 152-моддаси); 2) Иш юритишни тугатишга олиб келади (ФПКнинг 100-моддаси)¹.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда яна шуни айтиш жоизки, тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмаслик, шунингдек ФПКнинг 108-моддасига кўра, иш судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли (ФПКнинг 100-моддаси 1-банди) ишни юритиш тугатилган бўлса, давлат божини қайтариб бериш учун ҳам асос бўлади.

Ишни судга тааллуқли бўлмаса, ФПКнинг 101-моддасига кўра, иш юритиш суднинг ажримига биноан тугатилади. Агар иш юритиш ишнинг судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли тугатилса, суд аризачи қайси органга мурожаат қилиши кераклигини кўрсатиши шарт. Худди шундай қоида,

¹ Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи (саволлар ва жавоблар) . –Тошкент, ТДЮИ. 2010. –Б.87.

Эстония ФПКнинг 219-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, иш юритиш ажрим асосида тугатилади. Агар иш юритиш судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли тугатилса, суд аризачини қаерга мурожаат қилишини кўрсатиши шарт¹. Демак, судлар ишни тугатиш тўғрисидаги ажримда фақат агар иш судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли тугатилган тақдирда, аризачига қаерга мурожаат қилишини ёзма равишда кўрсатиши шарт. ФПКнинг 100-моддасида назарда тутилган бошқа иш юритишни тугатиш асосларида қаерга мурожаат қилиши тўғрисида кўрсатма ажримда ёзилмайди. Мазкур ҳолат ҳам ишни судга тааллуқли бўлмаслиги сабабли ишни тугатишнинг ўзига хос жиҳатларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг бир қатор қарорларида фуқаролик ишларини тааллуқлилиги тўғрисида тушунтиришлар бериб ўтган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида судлар ФПКнинг 283-моддасида кўзда тутилган суд йўли билан белгиланадиган фактлар рўйхати қатъий эмаслигини эътиборга олган ҳолда, бошқа фактлар ҳам суд томонидан белгиланиши, ушбу фактлар рўйхати, шунингдек судларга тааллуқли бўлмаган юридик фактлар ҳам келтирилган.² Лекин, шунга қарамасдан айрим судлар томонидан ушбу қоидаларга риоя қилинмасдан иш кўриш ҳолатлари суд амалиётида учрамоқда. Масалан, Р.Караева судга ариза билан мурожаат этиб, 1940 йилда Т.Гадаевга никоҳларини қонуний расмийлаштир-масдан турмушга чиққанлигини, биргаликдаги турмушларидан бир нафар фарзандлари борлигини, ўзаро келишмовчиликларни, кейинчалик ҳар иккаласи ҳам бошқа-бошқа оила қурганликларини кўрсатиб, марҳум Т.Гадаев билан ўрталаридаги эр-хотинлик фактини тасдиқлаб беришни сўраган. Фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг 2003 йил 21 августдаги ҳал қилув қарори билан Р.Караеванинг аризаси қаноат-

¹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Эстония. <http://qanun.narod.ru/codes.html>.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами 1991-1998: 2-жилд // Таҳрир хайъати: У.К.Мингбоев ва бошқ. -Тошкент, “Шарк”, 1999. -Б. 4-5.

лантирилган. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 30 сентябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2004 йил 2 февралдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра иш судга тааллуқли бўлмаганлиги учун суд қарорлари бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 13-бандига кўра, агар эр-хотиндан бири 1944 йил 8 июлгача бошқа фактик никоҳга кирган ёки бир вақтнинг ўзида қонуний никоҳда бўлган бўлса, шунингдек, бу муносабатлар томонлардан бирининг вафотига қадар тугатилган бўлса, бундай фактларни суд белгилаши мумкин эмас. Иш ҳужжатларига кўра, Р.Караева ва Т.Гадаевларнинг эр-хотинлик муносабатлари Т.Гадаевнинг вафотига қадар тугатилганлиги судда тасдиқланган бўлса-да, биринчи инстанция суди аризани қаноатлантириб, хатога йўл қўйган. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанцияси эса ушбу камчиликни эътиборга олмасдан ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган¹. Юқоридаги мисолдан кўришиб турибдики, суд ушбу ҳолатда ФПКнинг 100-моддаси 1-қисмига мувофиқ иш судга тааллуқли бўлмаганлиги учун иш юритишни тугатиш лозим эди. Мазкур процессуал қонун нормалари ва Олий суд Пленуми қарорларига риоя этмасдан ишни кўриш охир-оқибатда суд қарорини бекор бўлишига олиб келди. Ана шундай процессуал қонун нормаларига риоя этмасдан ишни кўриб чиқиш фуқаролик процессуал ҳуқуқи тамойиллари бузилишига айниқса, одил судловнинг фақат судлар томонидан амалга оширилиши тамойилининг нуфузини пасайишига олиб келмоқда. Хулоса қилиб айтганда судлар томонидан судга тааллуқли бўлмаган ишларни қабул қилиш ҳолатларни бартараф этиш ёки ишни кўриш вақтида аниқланса иш тугатиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд амалиёти. –Тошкент, 2004. -№1. -Б.4-5.

мақсадида судьяларга нисбатан процессуал чора сифатида хусусий ажрим чиқариш ҳолатлари кучайтириб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2-боб бўйича хулоса

Мазкур бобда иш юритишни тугатиш асослари таҳлил этилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 18-банди ва мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддаси 2-бандидаги ўзаро мувофиқлигини ҳамда фуқаролик процессуал қонунчилигининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш мақсадида ФПКнинг 100-моддаси 2-бандига “никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бундан мустасно;” деган қоида киритилиши ҳамда мазкур Пленум қарорининг 18-бандида “тарафлар ярашганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш” билан “келишув битими” атамаларини чуқур таҳлил этиб, бу икки атама бир-биридан фарқ қилиши, шунинг учун агар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан тарафлар хотин ўзаро ярашиш истагини билдирсалар, суд иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқариши ҳақидаги норма ФПКнинг 100-моддасига алоҳида банд сифатида киритилиши тўғрисида таклиф берилди.

Бундан ташқари, фуқаролик ишлари бўйича судларда келишув битими тузиш тартиби, шартлари, асослари, бу тўғрисидаги ажрим ва унинг мазмуни, келишув битими тузиш оқибатлари, қайси фуқаролик ишларида келишув битими тузишга йўл қўйилмаслиги масалалар тўғрисида алоҳида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори қабул қилиниши, миллий ва хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилиги қиёсий таҳлил этилиб, иш юритиш тугатиш асосларини кенгайтириш мақсадида ФПКнинг 100-моддасига “иш бўйича тарафлардан бири бўлган юридик шахс тугатилган бўлса ва низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса” деб номланган қўшимча ва ўзгартиш киритиш тўғрисида таклиф илгари сурилди.

III-БОБ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА АРИЗАНИ КЎРМАСДАН ҚОЛДИРИШНИНГ МАЗМУНИ ВА ҲУҚУҚ ТАБИАТИ

3.1. Фуқаролик процессида аризани кўрмасдан қолдиришнинг мазмуни ва ҳуқуқ табиати

Фуқаролик суд ишларини юритишда одатда судлар томонидан иш мазмунан кўриб ҳал этилганидан сўнг ҳал қилув қарори чиқарилади. Бироқ, айрим ҳолларда судлар томонидан фуқаролик иши бевосита тарафларга боғлиқ бўлган сабабларга ёки бошқа асосларга кўра охиригача ҳал этилмасдан ажрим асосида тамомланади. Юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар судда иш юритишни низо юзасидан ҳал қилув қарори чиқармасдан тамомлашнинг муҳим шакли сифатида аризани кўрмасдан қолдириш шаклини кўрсатиб ўтадилар¹. Шорахметов ўз шарҳида аризани кўрмасдан қолдиришга қаратилган қоида процессуал тилда, айрим ҳолларда иш бўйича ҳал қилув қарорини чиқармай иш юритишни тамомлаш деб юритилишини, бундай номланишига асос бўлиб, манфаатдор шахсларнинг суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқини амалга оширишда қонунда белгиланган талабларга риоя қилмаганлиги асос бўлади, деб тушунтирган.²

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда айтиш жоизки, ҳал қилув қарори чиқармасдан иш юритишни тугатишнинг бу икки шакли ўзининг процессуал тартиб-таомиллари, асослари, келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлари билан ўзаро бир-биридан фарқ қиладиган мустақил процессуал институтлардир. Фуқаролик суд ишларини юритишда аризани кўрмасдан қолдириш иш юритишни тамомлашнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланади.

Процессуал қонунчиликда белгиланган аризани кўрмасдан қолдириш қоидаси (ФПКнинг 97-моддаси) фуқаролик суд ишларини юритишнинг судда

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Тошкент: Адолат. 2001. –Б.172; Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2010. –Б.475; Власов А.А. Гражданское процессуальное право. –Москва. 2003. –С.139; Гражданский процесс: Учебник. 3-е изд., перераб. и Г75 доп./ Под ред. М.К.Треушников. М.: Издательский Дом «Городец», 2010. –С. 384-385.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент: ТДЮИ. 2010. -236 б.

мазмунан кўриладиган барча турлари учун бир хилда татбиқ этилади. Масалан, ФПКнинг 2-моддасига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари даъво тартибидаги ишларни, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини белгилайди. Шунга кўра, аризани кўрмасдан қолдиришда нафақат даъво ишлари, шу билан алоҳида тартибда ҳамда маъмурий тартибда кўриладиган ишлар бўлганлиги учун буларда иш юзасидан ариза берилиши туфайли ҳам процессуал қонун “аризани кўрмасдан қолдириш” атамасини қўллаган.

Фуқаролик процессуал кодексига кўра, иш бўйича ҳал қилув қарори чиқармай иш юритишни тамомлашга аризани кўрмасдан қолдириш асослари билан бир қаторда иш юритишни тугатишга бағишланган қоидалар ҳам киради. Шу туфайли, бу ҳар икки институтнинг фарқларига ҳам эътибор беришлик иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарорини чиқариш учун асос бўлади.

Ш.Ш.Шорахметовнинг таъкидлашича, агар аризани кўрмасдан қолдиришда манфаатдор шахсга шу иш юзасидан умумий тартибда аризани қолдиришга сабабчи бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлса, иш юритишни тугатишда манфаатдор шахс шу иш юзасидан иккинчи маротаба судга мурожаат эта олмайдилар¹.

Юридик адабиётларда аризани кўрмасдан қолдириш ва иш юритишни тугатишни (тарафлар ўз хоҳишлари билан иш юритишни тугатишга асос бўладиган ҳолатлардан ташқари) аризаچига нисбатан суд томонидан қўлланиладиган ўзига хос чора (санкция) эканлиги ҳақида фикрлар илгари сурилади.²

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2010. – 237 б.

² Новиков А.Г. Гражданская процессуальная ответственность. Автореферат на соискание ученой степени канд. юрид. наук, -Саратов, 2002.С. 13.

Суд томонидан аризани кўрмасдан қолдириш чораси бу – манфаатдор шахснинг судгача бўган процессуал ҳолатига қайтаради, агар аризани кўрмасдан қолдириш учун асос бўладиган ҳолатлар бартараф этилса, манфаатдор шахсда худди ўша талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқ пайдо бўлади, бу эса юқоридаги санкциянинг бекор бўлганлигини кўрсатади.¹ Суд томонидан аризани кўрмасдан қолдириш, шунингдек суд томонидан йўл қўйилган хатоликларни ҳам бартараф этишга ҳамда шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида одил судловни тўлиқ амалга оширишга хизмат қилади. Масалан, ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлиши ёки манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс томонидан берилиши муносабати билан аризани кўрмасдан қолдирилиши, энг аввало, суд томонидан аризани қабул қилиш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни батараф этишга хизмат қилса, иккинчидан, суд томонидан қабул қилинадиган ҳал қилув қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлайди.

Бироқ аризани кўрмасдан қолдиришдан фарқли равишда иш юритишни тугатиш ҳар доим ҳам манфаатдор шахслар учун қўлланиладиган чора ёки суд хатоларини тўғрилаш имконияти сифатида кўрилавермайди. Балки, айрим ҳолларда ишда иштирок этаётган тарафларнинг ёки даъвогарнинг ихтиёрий равишдаги ўз эрklarини билдириши натижасида низоли ҳуқуқий муносабатни бартараф этиш кўринишида ҳам намоён бўлади. Масалан, даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлиги ва суд бу воз кечишни қабул қилганлиги, тарафлар келишув битими тузиб, унинг суд томонидан тасдиқланганлиги бунга мисол бўла олади.

Юридик адабиётларда иш юритишни тугатишдан аризани кўрмасдан қолдиришнинг фарқли жиҳати сифатида аризани кўрмасдан қолдириш асосларининг қатъий эмаслиги, суд лозим топган ҳолларда уни кенгайтиришга ва қўшимча асосларни қўллашга ҳақли бўлиши тўғрисида фикрлар

¹ Зайцев ИМ. Устранение судебных ошибок в гражданском процессе./ Под ред. МА. Викут. -Саратов, 1985. – 56 с.

илгари сурилади.¹ Бироқ бошқа бир манбаларда бунинг акси, яъни фуқаролик процессуал кодексида белгилаб қўйилган иш юритишни тугатиш асослари каби аризани кўрмасдан қолдириш асослари ҳам қатъий бўлиб, суд томонидан кенг талқин этилиши мумкин эмас.² М.М.Мамасиддиқовнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси ФПК 97-моддасида кўрсатилган асослардан ташқари бошқа баъзи ҳолларда ҳам ариза суд томонидан кўрмасдан қолдирилиши мумкинлиги ҳақида фикрларни илгари суради. Унинг фикрича, ФПКнинг 282-моддасига кўра, агар алоҳида тартибда юритиладиган ишни кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, суд аризани кўрмасдан қолдириб, ишда иштирок этувчи шахсларга умумий тартибда даъво тақдим этишни таклиф қилади.³

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иш юритишни тугатиш асослари каби аризани кўрмасдан қолдириш асосларига қатъийлик туси берилиши мумкин эмас. Бошқача айтганда, суд ФПКда назарда тутилган асослардан ташқари ҳам аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли бўлиши керак. Бу борада ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шорахметов фикрига қўшилган ҳолда шуни кўрсатиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни белгилашни тартибга солувчи қонунчиликни судлар томонидан қўлланиши ҳақида”ги 5-сонли қарорининг 8-бандида агар фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни белгилаш ҳақидаги аризани суд иш юргизишига қабул қилиш ёки алоҳида тартибда судда кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ бўйича (мерос, мулк ҳуқуқи ва ҳоказо) низо аниқланса, судья аризани қабул қилишни рад этади ёки суд аризани кўрмасдан қолдиради ва манфаатдор шахсларга умумий асосларда даъво қўзғатиш мумкинлигини тушунтиради. Бундай ҳолларда фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни тугатиш ва ўзгартишлар ёхуд қўшим-

¹ Шорахметов Ш.Ш. Қайд этилган асар. -236 б.

² Тунчысв М.А. Прекращение производств по делу в советском гражданском процессе. Автореф. дне. канд. юрид. наук. -М., 1964. – 7 с.

³ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2012. –Б.457.

чалар киритиш масаласи суд томонидан даъво ишини юргизиш тартибида даъво аризаси билан бирга ҳал этилади.¹

Кўриб турганимиздек, давлат органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят (ариза)лар бўйича иш юритишда судга тааллуқли ҳуқуқ бўйича низо аниқланса, суд ариза (шикоят)ни кўрмай қолдиради. Бу каби асос Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида”ги 18-сонли қарорининг 9-бандида ҳам берилган эди. Унга кўра, шикоятни кўриш пайтида судга тааллуқли хизмат тўғрисида низо борлиги аниқланса (масалан, уй-жойга эгалик ҳуқуқи тўғрисида, турар жойга бўлган ҳуқуқ тўғрисида ва ш.к.), судья ФПКнинг 282-моддасига биноан, шикоятни кўрмай қолдириш ҳақида ажрим чиқариб, манфаатдор шахсларга ФПКнинг 149 ва 150-моддаларига риоя қилинган ҳолда умумий тартибда даъво қўзғатишни ва бу ариза учун қонунда белгиланган миқдорда давлат божи тўлашни таклиф қилади.² Бироқ кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли Қарорига мувофиқ ушбу банд ўз кучини йўқотган. Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиётида суд ишларини юритишнинг ушбу тури бўйича ишларни кўриш жараёнида юқорида қайд этилганидек, судга тааллуқли ҳуқуқ бўйича низо аниқланса, суд ариза (шикоят)ни мазмунан кўришни давом эттириш ҳолатлари кузатилмоқда. Ваҳоланки, ушбу ҳолатда суд ариза (шикоят)ни кўрмай қолдириши лозим бўлади. Масалан, туман суди ўз иш юритувига фуқаро **И.**ни ташкилотнинг мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатлари юзасидан ўз вақтида меҳнат дафтарчасини бермаганлиги ҳақидаги шикоятини қабул қилган. **И.** суд жараёнида корхона

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни белгилашни тартибга солувчи қонун-чиликни судлар томонидан қўлланиши ҳақида”ги 5-сонли қарори. ИПС “Норма”.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида”ги 18-сонли қарори. ИПС “Норма”.

маъмуриятининг зиммасига унга меҳнат дафтарчасини бериш мажбуриятини юклаш билан биргаликда, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришни сўраган. Бунга асос қилиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 99-моддасига кўра, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шартлигини, шунингдек, мазкур Кодекснинг 6-моддасига кўра, меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкинлигига таяниб, судда ўзига нисбатан етказилган зарарни ундиришни талаб қилган. Туман суди ўз ҳал қилув қарори билан шикоятни мазмунан кўриб, **И.** га нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган. Кўриб турганимиздек, иш юритишни тугатиш асосларидан фарқли ўлароқ аризани кўрмай қолдириш асосларининг рўйхати қатъий эмас ва суд иш ҳолатларидан келиб чиқиб, аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли бўлади. Дарҳақиқат, аризани кўрмай қолдириш асосларининг рўйхати қатъий эмаслиги, унинг ҳуқуқий оқибати билан ҳам изоҳланади. Зеро, аризани кўрмай қолдирилиши юқорида қайд этилганидек, манфаатдор шахсга шу иш юзасидан умумий тартибда аризани қолдиришга сабабчи бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг судга мурожаат этиш ҳуқуқини беради.

Фуқаролик процессуал қонунчилигида аризани кўрмасдан қолдириш институти, **биринчидан**, тарафларга судга қайта умумий асосларда мурожаат қилиш ва суд орқали яна бир бор ҳимояланиш ҳуқуқини берса, **иккинчидан**, судга (судья) аризани қабул қилиш билан боғлиқ бўлган қонунларнинг бузилиши туфайли йўл қўйган камчиликларини тuzатиш имкониятини беради. Шундай экан, судлар томонидан аризани кўрмай қолдиришга асос

бўладиган ҳолатларнинг рўйхатини хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу, *биринчидан*, ҳуқуқни қўллаш амалиётида процессуал қонунни бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминласа, *иккинчидан*, фуқаролик ишларини асоссиз тугатилиши ёки аризаларнинг асоссиз кўрмай қолдирилишининг олдини олади. Юқоридагилардан хулоса қилиб, аризани кўрмасдан қолдиришга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Аризани кўрмасдан қолдириш манфаатдор шахслар томонидан судга мурожат қилиш жараёнидаги шартларга риоя қилмаганлик натижасида келиб чиқадиган ва келажакда худди шу талаб билан такрор судга мурожат қилишга тўсқинлик қилмайдиган суд ҳал қилув қарорини чиқармасдан иш юритишни тамомлашнинг мустақил шаклидир.

Ариза кўрмасдан қолдирилган ҳолларда суд ўз ажримда ишнинг ҳал этилишига тўсқинлик қилаётган, ФПКнинг 97-моддасида санаб ўтилган ҳолатларни бартараф этиш йўллари кўрсатиши талаб этилади. Дарҳақиқат, ФПКнинг 98-моддасига мувофиқ, ариза кўрмасдан қолдирилган ҳолларда иш юритиш суднинг ажримига биноан тамомланади. Бу ажримда суд ишнинг ҳал этилишига тўсқинлик қилаётган, ФПКнинг 97-моддасида санаб ўтилган ҳолатларни бартараф этиш йўллари кўрсатиши шарт. Акс ҳолда суднинг ажрими ФПК талабларига зид чиқарилган деб топилиб, бекор қилинади.

3.2. Фуқаролик процессида аризани кўрмасдан қолдириш асослари, тартиби ва унинг ҳуқуқий оқибати

Аризани кўрмасдан қолдириш асослари ва тартиби мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида белгиланган. ФПКнинг 97-моддасига кўра, суд қуйидаги ҳолларда аризани кўрмасдан қолдиради:

- 1) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;
- 2) манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс берган бўлса;

3) суд айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса;

4) ишни ўзларининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган тарафлар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрли сабабларсиз судга келмасалар, суд эса ишга оид мавжуд материаллар асосида ишни ҳал қилиш мумкин эмас деб ҳисобласа;

5) ишни ўзининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чақирув бўйича судга келмаса, жавобгар эса ишни мазмунан кўришни талаб қилмаса.

Демак, юқорида белгиланган асослардан бири мавжуд бўлганида суд аризани кўрмасдан қолдиради. Юқорида таъкидлаганимиздек, иш юритишни тугатиш асосларининг рўйхатидан фарқли ўлароқ аризани кўрмасдан қолдириш асосларининг рўйхатини қатъий деб бўлмайди. Ушбу рўйхатни кенгайтириш иш юритишни тугатиш асослари каби фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Аксинча, аризани кўрмасдан қолдириш асослари назарда тутилган рўйхатнинг кенгайтирилиши бир қатор афзалликларга эга. Масалан, амалдаги фуқаролик процессуал қонунчиликка мувофиқ, аризани суд томонидан кўрмасдан қолдирилиши қуйидаги афзалликларга эга:

- фуқароларнинг судга мурожаат қилиш жараёнида йўл қўйган хатоларини тўғрилаш имкони берилади (ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганда ва манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс берган ҳолларда);

- аризани қабул қилиш босқичида суд томонидан йўл қўйилган камчиликларини тузатиш имконияти яратилади (суд айнан бир тарафлар ўртасида, айнан бир нарса тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган ҳолатларда)

- тарафларни процессуал мажбуриятларга риоя қилишга даъват қилади (ишни ўзларининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган тарафлар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрли сабабларсиз судга келмаган ва суд ишга

оид мавжуд материаллар асосида ишни ҳал қилиш мумкин эмас деб ҳисоблаган ҳолларда);

- даъвогарнинг процессуал мажбуриятларга риоя қилишга даъват қилади (ишни ўзининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чақирув бўйича судга келмаса, жавобгар эса ишни мазмунан кўришни талаб қилмаган ҳолатларда).

Аризани кўрмасдан қолдириш асослари бўйича хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигини таҳлил қилиш шунинг кўрсатдики, уларда мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигига қараганда, асосларнинг бирмунча кенглигини кўрамыз. Масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 222-моддасида суд томонидан аризани кўрмасдан қолдиришнинг 7 та асоси белгиланган. Унга кўра,

- даъвогар ушбу тоифадаги ишлар бўйича ишни судгача ҳал этиш тартиби назарда тутилган федерал қонунчилик талабларига ёки ушбу юзасидан тарафлар ўртасида тузилган шартнома шартларига риоя қилмаган бўлса;

- ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса, мазкур шахсни муомалага лаёқатли деб топиш тўғрисидаги ариза, ушбу шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича ўтказиб юборилган процессуал муддатларни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома бундан мустасно;

- ариза уни имзолаш ёки даъво тақдим этиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланган ёки тақдим этилган бўлса;

- ушбу суднинг ёки бошқа суднинг, арбитраж судининг иш юритишида айтилган бир шахслар ўртасидаги, айтилган бир предмет тўғрисидаги ва айтилган бир асослар бўйича аввал қўзғатилган низо юзасидан иш юритилаётган бўлса;

- тарафларнинг ушбу низога ҳакамлик судида кўриш ва ҳал этиш учун топшириш тўғрисидаги келишуви мавжуд бўлса ва жавобгар иш бошлангунга қадар низога кўриш ва ҳал этишни ҳакамлик судига топшириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилган бўлса;

- ишни ўзларининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган тарафлар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрли сабабларсиз судга келмасалар;

- ишни ўзининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чақирув бўйича судга келмаса, жавобгар эса ишни мазмунан кўришни талаб қилмаса ариза кўрмасдан қолдирилади.¹

Украина Республикаси ФПКнинг 207-моддасида эса суд томонидан аризани кўрмасдан қолдиришнинг 9 та асоси назарда тутилган. Унга кўра,

1) ариза фуқаролик процессуал муомала лаёқатига эга бўлмаган шахс томонидан тақдим этилган бўлса;

2) ариза манфаатдор шахс номидан иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан тақдим этилган бўлса;

3) белгиланган тартибда иш кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган даъвогар суд мажлисида ҳозир бўлмаса, агар ўзининг иштирокисиз ишни кўриш тўғрисида ариза келиб тушмаган бўлса;

4) бошқа судда айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича келиб чиққан низо юзасидан иш юритилаётган бўлса;

5) даъвогар даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ариза берганда;

6) тарафлар ўртасида низони кўришни ҳакамлик судига топшириш тўғрисида шартнома тузилган бўлса ва иш бўйича ҳолатлар аниқлагунга ва уларни далиллар орқали текшириш болангунига қадар жавобгардан низони судда ҳал қилишга қарши эътироз келиб тушган бўлса;

7) қонунда белгиланган тартибда бошқа шахснинг аризасига биноан иш кўзгатиш бўлиб, судда манфаатини кўзланган шахс ўз талабини қўллаб-қувватламаса ва ундан тугишли ариза келиб тушмаса;

8) мазкур Кодекснинг 119-120 моддаларида баён этилган талабларга риоя этмаган ҳолда тақдим этилган ариза бўйича иш очилиб, ва у бўйича суд йиғимлари тўланмаган бўлса, даъвогар эса суд томонидан белгиланган муддатла ушбу камчиликларни бартараф этмаса;

¹ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru/popular/gpkrf/>.

9) даъвогар ишни кўриш тугагунга қадар суд мажлисини тарк этган бўлса ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриш тўғрисида ариза бермаган бўлса¹.

Аризани кўрмасдан қолдиришнинг энг кўп асоси Беларусь Республикасининг ҳамда Молдова Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексларида назарда тутилган. Хусусан, Беларусь Республикаси ФПКнинг 165-моддасига кўра, суд аризани кўрмасдан қолдиради, агар:

1) ушбу тоифадаги ишни судгача ҳал этиш тартибини назарда тутувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга риоя қилмаган манфаатдор шахслар томонидан судга мурожаат қилинганида;

2) муомалага лаёқатсиз шахс томонидан ариза тақдим этилганида;

3) манфаатдор шахс номидан имзолаш ёки тақдим этиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан ариза тақдим этилганида;

4) муомала лаёқатига эга бўлган фуқаро ёки мулкнинг нодавлат шаклига асосланган юридик шахс манфаатини кўзлаб давлат органлари, бошқа юридик шахслар ёки фуқаролар томонидан ушбу фуқаролар ёки юридик шахсларнинг розилигисиз ариза берилган бўлса;

5) қонундан чиқариб ташланган;

6) ушбу суд ёки бошқа судда айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш юритилаётган бўлса;

7) белгиланган тартибда иш кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган даъвогар суднинг чақирувчи бўйича суд мажлисига узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаса ёки кела олмаслигининг узрли эканлиги тўғрисида судни белгиланган тартибда хабардор қилмаса ва ўзининг иштирокисиз ишни кўриш тўғрисидаги ёзма аризаси бўлмаса, жавобгар эса ишни мазмунан кўришни талаб қилмаса;

¹ Цивільний процесуальний кодекс України. N 1618-IV, 18.03.2004, Кодекс, Верховна Рада України. Відомості Верховної Ради України (ВВР), 2004, N 40-41, 42, ст.492 (с изменениями и дополнениями, последние из которых внесены законами Украины от 13 апреля 2012 года № 4652-VI, от 24 мая 2012 года № 4847-VI, от 3 июля 2012 года № 5029-VI, от 4 июля 2012 года № 5041-VI, от 5 июля 2012 года № 5076-VI, от 18 сентября 2012 года № 5288-VI, от 16 мая 2013 года № 245-VII, от 4 июля 2013 года № 406-VII).

8) суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган даъвогар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш бўйича иккинчи маротаба узрсиз сабабларга кўра келмаса ёки кела олмаслигининг узрли эканлиги тўғрисида судни белгиланган тартибда хабардор қилмаса ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб ҳал этиш тўғрисида илтимос келиб тушмаган бўлса;

9) ишни ўзларининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган тарафлар иккинчи чақирув бўйича ҳам судга келмасалар;

9-¹) аризачи алоҳида тартибда кўриладиган ишлар юзасидан судга узрсиз сабабларга кўра келмаса;

10) судда алоҳида тартибда кўриладиган ишлар ёки маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўриб чиқиш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса;

11) суд чиқимларини тўлашдан озод қилинмаган тарафлар, агар экспертиза тайинлаш зарур бўлган ҳолатда уни ўтказиш бўйича чиқимларни тўлашни рад қилса¹.

Эстония Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 222-моддасига кўра, суд томонидан аризани кўрмасдан қолдиришнинг 7 та асоси белгиланган. Унга кўра, агар:

1) ушбу тоифадаги ишлар бўйича низони судсиз ҳал этиш тартибига риоя этмаган шахс томонидан судга мурожаат қилинган бўлса ва мазкур тартибни қўллаш имконияти тугатилмаган бўлса;

2) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан тақдим этилган бўлса;

3) ариза иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан тақдим этилган бўлса;

4) суд айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса;

¹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь 11 января 1999 г. № 238-З. <http://www.pravo.kulichki.ru/vip/gpk/index.htm>.

5) тарафлар ёки бир тараф ФПКнинг 197-199 моддаларда назарда тутилган ҳолларда дастлабки суд мажлисида ёки суд мажлисида иштирок этмаса;

б) хотинининг розилигисиз эр томонидан унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил давомида никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатилган бўлса;

7) оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларда суд томонидан экспертиза тайинланган бўлиб, боланинг онаси бола билан биргаликда экспертга мурожаат қилишни рад этса, суд аризани кўрмасдан қолдиради.¹

Айрим давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилиги аризани кўрмасдан қолдиришнинг икки турдаги асосларини: мажбурий ва факультатив асосларини белгилайди. Масалан, Латвия ФПКнинг 219-моддасида суднинг аризани кўрмасдан қолдириш мажбурияти белгиланган бўлиб, унга кўра, суд қуйидаги асослар мавжуд бўлганида аризани кўрмасдан қолдиради:

1) даъвогар томонидан белгиланган тоифадаги ишлар бўйича ишни судсиз ҳал этиш тартибига риоя этилмаган бўлса ёки даъво ни тақдим этгунга қадар жавобгар билан низони тартибга солиш бўйича чоралар кўрилмаган бўлса;

2) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан ёки Фуқаролик кодексининг 365-моддаси қоидаларига кўра васийлик белгиланган шахс тақдим этилган бўлса;

3) қонунчиликда ўрнатилган тартибда даъвогар номидан ваколатга эга бўлмаган шахс томонидан даъво тақдим этилган бўлса;

4) шу суд ёки бошқа суд айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса.

¹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Эстония. <http://qanun.narod.ru /codes.html>.

Латвия Фуқаролик процессуал кодексининг 220-моддасида суднинг аризани кўрмасдан қолдириш ҳуқуқи белгиланган. Унга кўра, суд даъвои кўрмасдан қолдириши мумкин:

- 1) даъвогарнинг илтимосига кўра;
- 2) агар даъвогар такроран чақирилганида судга келмаса ва унинг иштирокисиз ишни кўриш сўралмаган бўлса.¹

Юқоридаги хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигидаги ижобий жиҳатларни инобатга олган ҳолда, миллий фуқаролик процессуал қонунчиликда ҳам аризани кўрмасдан қолдириш асосларини кенгайтириш, процессуал механизмларни такомиллаштириш давр талабидир. Шунинг учун аризани кўрмасдан қолдириш нафақат тарафлар, балки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга ариза билан мурожаат этган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларга ҳам татбиқ этилиши лозим. Чунки, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 47, 49-моддаларида прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг бошқа шахснинг ҳуқуқини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга берган ўз аризаларидан воз кечиши, бу шахсни суддан ФПК 104-моддасининг қоидаларига риоя этган ҳолда ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмаслиги белгиланган бўлса-да, ушбу шахсларни даъводан воз кечиши тўғрисида суд томонидан қандай ажрим чиқарилиши белгиланмаган. Фикримизча, манфаати кўзлаб берилган шахснинг судга умумий тартибда ариза бериш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида мазкур ҳолатда аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилиши керак деб ҳисоблаймиз. Ушбу ҳолатни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 97-моддасига прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар бошқа шахсларнинг ҳуқуқи ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини

¹ Гражданский процессуальный закон Латвии. <http://cld.privatelaw.ru/snglaw/snglaw.htm>.

химоя қилиш учун судга берган ўз аризаларидан воз кечса, аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ҳуқуқий нормалар киритилиши суд амалиётида бу борадаги муаммоларни бартараф этилишига олиб келади.

Дарҳақиқат, фуқаролик процессида аризани кўрмасдан қолдириш аризани қабул қилишни рад этишдан ўзининг асослари ва ҳуқуқий оқибатлари билан фарқ қилиши ҳақида ҳам юридик адабиётларида фикрлар берилган. Масалан ҳуқуқшнос олим Д.Ю.Хабибуллаев фикрича, аризани рад қилиш аризани қабул қилиш, яъни фуқаролик ишини кўзғатиш босқичида ҳал этилади, аризани кўрмасдан қолдириш фуқаролик ишини кўзғатиш босқичидан кейин аниқланади, ариза рад қилинганида тўланган давлат божи қайтариб берилади (ФПКнинг 108-моддаси), ариза кўрмасдан қолдирилганда эса, тўланган давлат божи қайтариб берилмайди, фақат ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганлиги сабабли (ФПК 97-моддасининг 1-банди) кўрмасдан қолдирилган бўлса тўланган давлат божи қайтариб берилади (ФПКнинг 108-моддаси), судга ариза тушган кундан эътиборан суд аризани рад қилиш тўғрисида ўн кун ичида асослантирилган ажрим чиқаради, аризани кўрмасдан қолдириш эса ариза қабул қилинганидан кейин ҳал қилув қарори чиққунга қадар ҳал этилиши мумкин¹.

Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, фуқаролик суд ишларини юритишда аризани кўрмасдан қолдириш ўзининг ҳуқуқий оқибатлари билан фуқаролик процессининг бошқа институтларидан ажралиб туради. Аризани кўрмасдан қолдиришнинг ҳуқуқий оқибатлари Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 99-моддасида кўрсатилган. Унга кўра, аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин манфаатдор шахс судга ариза билан яна умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли. Шунингдек, аризани кўрмасдан қолдиришнинг ҳуқуқий оқибати сифатида агар ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганлиги

¹ Xabibullayev D.Yu. Fuqarolik protsessual huquqi (savollar va javoblar). O'quv qo'llanma. –Toshkent, TDYUI nashriyoti, 2012. -B.128-129.

сабабли кўрмасдан қолдирилган бўлса, тўланган давлат божи қайтариб берилишини ҳам киритиш мумкин (ФПКнинг 108-моддаси).

Маълумки, ФПКнинг 282-моддасига кўра, агар алоҳида тартибда юритиладиган ишни кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, суд аризани кўрмасдан қолдириб, ишда иштирок этувчи шахсларга умумий тартибда даъво тақдим этишни таклиф қилиши белгиланган. Бироқ, суд амалиётида ушбу қоидаларга риоя қилмаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Масалан, фуқаро Р.Йўлдошева судга ариза билан мурожаат қилиб, унда отаси Қ.Ромонов онаси Х.Йўлдошева билан турмуш қурганликларини, лекин никоҳлари қонуний расмийлаштирилмаганлиги сабабли туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва паспортида исм-фамилияси ва насаби Йўлдошева Райҳон Қаландаровна деб ёзилганлигини, отаси Қ.Ромонов 2008 йил ноябрда вафот қилганлигини, ўзи туғилиб ўсган, отаси билан яшаб келган уйга туман ҳокимининг қарори билан отаси Қ.Ромоновнинг эгалик ҳуқуқи белгиланганлигини, турар жойга ва меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олиш мақсадида қариндошлик фактини белгилашни сўраган. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, Р.Йўлдошеванинг аризаси қаноатлантирилиб, Р.Йўлдошева 2008 йил 6 ноябрда вафот этган марҳум Қаландар Ромоновнинг қизи эканлик факти белгиланган. Фуқаролик иши апелляция ёки кассация инстанцияларида кўрилмаган. Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2012 йил 23 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган. ФПКнинг 283-моддаси 2-қисмининг 3-банди талабига мувофиқ, суд оталикни тан олиш (белгилаш) фактини, боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги, шунингдек, туғилган вақтини белгилаш фактини аниқлаш ҳақидаги ишларни кўради. Бироқ суд юқоридаги қонун талабида назарда тутилмаган Р.Йўлдошеванинг Қ.Ромоновнинг қизи эканлиги фактини белгилаб, процессуал хатоликка йўл қўйган. ФПКнинг 282-моддаси талабига кўра, агар алоҳида тартибда юритиладиган ишни кўриш вақтида судга

тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, суд аризани кўрмасдан қолдириб, ишда иштирок этувчи шахсларга умумий тартибда даъво тақдим этишни тақлиф қилади. Суд иш бўйича манфаатдор шахсларнинг доирасини аниқламаган, арз қилинган талабни тасдиқлайдиган ҳужжатларни талаб қилиб олмаган, мазкур низо юзасидан туман ҳокимининг низоли уйга нисбатан Қаландар Ромонов номига эгаллик ҳуқуқи белгилаш ҳақидаги қарори юзасидан низо борлигига эътибор қаратмаган¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни белгилашни тартибга солувчи қонунчиликни судлар томонидан қўлланиши ҳақида”ги 5-сонли қарорининг 8-бандида агар фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоларни белгилаш ҳақидаги аризани суд иш юргизишига қабул қилиш ёки алоҳида тартибда судда кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ бўйича (мерос, мулк ҳуқуқи ва ҳоказо) низо аниқланса, судья аризани қабул қилишни рад этади ёки суд аризани кўрмасдан қолдиради ва манфаатдор шахсларга умумий асосларда даъво қўзғатиш мумкинлигини тушунтиради².

Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиётида суд ишларини юритишнинг ушбу тури бўйича ишларни кўриш жараёнида юқорида қайд этилганидек, судга тааллуқли ҳуқуқ бўйича низо аниқланса, суд ариза (шикоят)ни мазмунан кўриши керакми ёки ариза кўрмай қолдириш керакми. Бу борада ўрганилган хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси шуни кўрсатадики, масалан, Беларусь Республикаси ФПКнинг 165-моддаси 10-бандига кўра, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишни ёки алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисидаги низо келиб чиқса, суд аризани кўрмасдан қолдириши белгилаб қўйилган.³

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси. 2012 йил 1-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни белгилашни тартибга солувчи қонун-чиликни судлар томонидан қўлланиши ҳақида”ги 5-сонли қарори. ИПС “Норма”.

³ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь. <http://www.pravo.kulichki.ru/vip/gpk/index.htm>.

Шундай экан, фикримизча, мамлакатимиз ФПКнинг 97-моддасига аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўладиган қуйидаги қўшимчани киритиш таклиф қилинади:

“б) агар алоҳида тартибда юритиладиган ишни, шунингдек давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича ишларни кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ бўйича низо аниқланса”.

3-боб бўйича хулоса

Ушбу бобда ҳал қилув қарори чиқармасдан туриб иш юритишни тугатиш шаклларида бири сифатида аризани кўрмасдан қолдириш асослари ва унинг аҳамияти таҳлил этилди. Судлар томонидан аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўладиган ҳолатларнинг рўйхатини хорижий давлатлар қонунчилиқ тажрибасидан келиб чиқиб, янада кенгайтириш мақсадида “эрнинг хотинини розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъвосини судда кўриш вақтида хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзғатишга розилиги бўлмаганлиги аниқланса”, “прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг бошқа шахснинг ҳуқуқини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга берган ўз аризаларидан воз кечса”, “агар алоҳида тартибда юритиладиган ишни, шунингдек давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича ишларни кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ бўйича низо аниқланса” каби асосларни киритиш тўғрисида таклифлар илгари сурилди.

ХУЛОСА

Фуқаролик процессида иш юритишни тугатишнинг назарий ва амалий масалалари илмий-назарий таҳлил этилиб қуйидаги хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани назариясини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар:

1. Магистрлик ишида фуқаролик ишини тугатиш ва аризани кўрмасдан қолдириш тушунчаларига илмий таъриф ишлаб чиқилди:

Фуқаролик ишини тугатиш деганда арз қилинган талаб бўйича юритилаётган ишни иш юзасидан даъвогар (аризачи)нинг судга даъво тақдим этиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаганлиги ёки низонинг барҳам топиши эвазига турдош талаб билан судга қайта мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қиладиган ишни суд ҳал қилув қарори чиқармасдан тамомлаш тушунилади.

Аризани кўрмасдан қолдириш бу – манфаатдор шахслар томонидан судга мурожаат қилиш жараёнидаги шартларга риоя қилмаганлик ёки тарафларнинг ва даъвогарнинг процессуал мажбуриятларни бажармаган-лиги натижасида келиб чиқадиган ва келажакда худди шу талаб билан такрор судга мурожат қилишга тўсқинлик қилмайдиган суд ҳал қилув қарорини чиқармасдан иш юритишни тамомлашнинг мустақил шаклидир.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасида назарда тутилган иш юритишни тугатиш асосларини таҳлил қилиш натижасида уни юзага келиш шартлари ва оқибатларига қараб, икки гуруҳга, яъни тарафларнинг хоҳишига биноан иш юритишни тугатиш ҳамда тарафларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатда иш юритишни тугатиш каби гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида хулосага келинди.

3. Тадқиқот натижасида миллий амалиёт ва хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибасидан келиб чиқиб, судлар томонидан аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўладиган ҳолатларнинг рўйхатини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулосага келинди. Чунки,

аризани кўрмасдан қолдириш институти, **биринчидан**, тарафларга судга қайта умумий асосларда мурожаат қилиш ва суд орқали яна бир бор ҳимояланиш ҳуқуқини берса, **иккинчидан**, судга (судья) аризани қабул қилиш билан боғлиқ бўлган қонунларнинг бузилиши туфайли йўл қўйган камчиликларини тузатиш имкониятини беради. **Учинчидан**, ҳуқуқни қўллаш амалиётида процессуал қонунни бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминласа, **тўртинчидан**, фуқаролик ишларини асосиз тугатилиши ёки аризаларнинг асосиз кўрмай қолдирилишининг олдини олади.

4. Фуқаролик процессида иш юритишни тугатиш асоси сифатида келишув битимини тасдиқлаш қуйидаги ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши ҳақида хулосага келинди: Биринчидан, Фуқаролик процессуал кодексининг 102-моддасига кўра, иш юритиш тугатилган тақдирда, айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан судга иккинчи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди. Иккинчидан, Фуқаролик процессуал кодексининг 107-моддасига кўра, тарафлар ишни келишув битими билан тамомлаган ҳолларда тўланган бож қайтарилмайди. Учинчидан, Фуқаролик процессуал кодексининг 152-моддасига кўра, тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим мавжуд бўлса, аризани қабул қилиш рад этилади.

II. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва суд амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 18-бандида “тарафлар ярашганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш” атамаси қўлланилган. Бу эса “келишув битими” билан “тарафларнинг ярашиши” атамаларини чуқур таҳлил этиш заруратини юзага келтиради. Мазкур атамалар ўз мазмунига кўра турли ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарса-да, бироқ иккала ҳолатда ҳам суд ФПКнинг 100-моддасини

қўллаб, иш юритишни тугатади. Ваҳоланки, ФПКнинг 100-моддасида назарда тутилган иш юритишни тугатиш асосларида “тарафлар ярашганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш” атамаси қўлланилмаган. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида ушбу ҳолатда судлар ФПКнинг 100-моддаси 2-бандини (тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса) қўллаб иш юритишни тугатмоқдалар. Бироқ “тарафларнинг ярашиши” бу “келишув битими” эмаску!

Шундай экан, фикримизча, агар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан тарафлар хотин ўзаро ярашиш истагини билдирсалар, суд иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқариши ҳақидаги норма ФПКнинг 100-моддасига алоҳида банд сифатида киритилиши таклиф қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 18-бандида кўрсатилган тушунтириш қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бошқача айтганда, Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддаси 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф қилинади:

“2) айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тараф-ларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бундан мустасно;”

3. Фуқаролик суд ишларини соддалаштириш, тарафларнинг келишувга эришиш, низоларни тез қисқа муддатларда ҳал этилишини таъминлайди. Хўжалик судлари томонидан келишув битимини тузиш, тасдиқлаш тартиби бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Келишув битимини тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси нормаларининг қўлланилиши ҳақида”ги 2009 йил 18

декабрдаги 204-сонли қарори мавжуд. Мазкур Пленум қарорида келишув битими тушунчаси, уни тузиш тартиби, судлар томонидан келишув битими тузишда эътибор қаратиш керак бўлган масалалар тўғрисида батафсил тушунтиришлар берилиши ўз навбатида хўжалик судларида ушбу институтни суд амалиётида татбиқ этишда бир мунча қулайликлар яратади. Шу боисдан, фуқаролик ишлари бўйича судларда келишув битими тузиш тартиби, шартлари, асослари, бу тўғрисидаги ажрим ва унинг мазмуни, келишув битими тузиш оқибатлари, қайси фуқаролик ишларида келишув битими тузишга йўл қўйилмаслиги масалалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг махсус “Келишув битимини тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси нормаларининг қўлланилиши ҳақида”ги қарори қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

4. Миллий хўжалик процессуал қонунчилиги ва хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, иш юритишни тугатиш асосларини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги асослар мавжуд бўлганида иш юритишни тугатиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасига киритилиши таклиф этилади:

8) алоҳида тартибда юритиладиган ишларда ёки давлат органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича юритиладиган ишларда аризачи ёки шикоят билан мурожаат қилган шахслар ўз аризаси ёки шикоятларидан воз кечиб, суд ушбу воз кечишни қабул қилса;

9) суд ҳакамлик судининг айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса, ҳакамлик судининг қарорини мажбурий тарзда ижро этиш юзасидан ваколатли суд ижро варақасини беришни рад этган, ишни янгидан кўриш учун ҳал қилув қарорини қабул

қилган ҳакамлик судига юборган, лекин ишни ўша ҳакамлик судида кўриш мумкин бўлмай қолган ҳоллар бундан мустасно бўлса;

10) иш бўйича тарафлардан бири бўлган юридик шахс тугатилган бўлса ва низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

5. Аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўладиган ҳолатлар рўйхатини кенгайтириш талабидан келиб чиқиб, қолаверса афзалликларини инобатга олган ҳолда, шунингдек хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддасига аризани кўрмасдан қолдириш асосларига қўшимча сифатида қуйидаги нормалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

б) агар алоҳида тартибда юритиладиган ишни, шунингдек давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича ишларни кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ бўйича низо аниқланса;

7) эрнинг хотинини розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъвосини судда кўриш вақтида хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзғатишга розилиги бўлмаганлиги аниқланса;

8) прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг бошқа шахснинг ҳуқуқини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга берган ўз аризаларидан воз кечса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий нашри. “Адолат” нашриёти. 2013 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий нашри. “Адолат” нашриёти. 2013 йил.
4. Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. –Т.: Адолат, 1992. -12 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги 14.12.2000 й. 162-II-сонли қонуни (Янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й. 1-2-сон, 10-модда.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПФ-3994-сонли Фармони // “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, 2008 йил, 5-сон, 253-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 31-сон, 355-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 ноябрдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги “Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 йил 21 октябрь, 42-сон, 556-модда.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

1. Каримов. И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий- ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон. 1995. –Б. 23-24.

2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4.-Т.: Ўзбекистон. 1996. - Б.185.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 13 ноябрь, 220 (5135)-сони.

IV. Асосий адабиётлар:

1. Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Учебник. –М.: 2003. -С.139.

2. Гражданское процессуальное право: Учебник. Под ред. М.С.Шакарян. - М.: «Проспект», 2004. -288 с.

3. Гражданское процессуальное право. Учебник. / Под. общ. ред. проф Л.В. Тумановой. – М.: ТК Велби, Проспект, 2008.– С.509-517.

4. Гражданское процессуальное право России. Учебник / Под Л.В.Тумановой, П.В.Алексия, Н.Д.Амаглобели. – 4-е изд., пер и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – С. 228-232.
5. Гражданский процесс: Учебник. 3-е изд., перераб. и доп / Под ред. М.К.Треушникова. М.: Издательский Дом «Городец», 2010. –С. 384-385.
6. Зайцев ИМ. Устранение судебных ошибок в гражданском процессе / Под ред. МА. Викут. -Саратов, 1985. – 56 с.
7. Кострова И.М. Особенности окончания рассмотрения гражданских семейных дел без вынесения решения // Сов. юстиция. 1984 г. - 15 с.
8. Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации/ Под ред. Проф. В.М.Жуйкова, проф. М.К.Треушникова. – М., 2006. – С. 162.
9. Куренкова О.Н. Теоретические и практические аспекты прекращения производства по гражданским делам в судах общей юрисдикции: дис. ... канд. юрид. наук. -Саратов, 2006. -183 с.
10. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография. -Тошкент, ТДЮИ. 2005. -113 б.
11. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари / Масъул муҳаррир Ш.Ш.Шорахметов. –Т.: АҚҲМИ нашриёти, 2008. -211 бет.
12. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. –Тошкент, ТДЮИ. 2010. –Б.259.
13. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент, ТДЮИ нашриёти. 2012. –Б. 457-458.
14. Мурадьян Э.М. Право на судебную защиту. -М, 1980. -9 с.
15. Мустафоев Б.М. Мустаҳкам оила – жамият барқарорлигининг асоси // “Ҳуқуқ ва бурч” журнали, 2012 йил, 4-сон. -7 бет.

16. Новиков А.Г. Гражданская процессуальная ответственность. Автореферат на соискание ученой степени канд. юрид, наук,-Саратов, 2002.С. 13.
17. Прекращение производства по делу (понятие, основания, порядок и последствия) См.: Гражданский процесс. Особенная часть. / Г.Л.Осокина. – М.: Норма, 2010. – С. 168-181.
18. Широкопояс Ю.А. Акты суда общей юрисдикции об окончании производства по делу без принятия судебного решения: Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.15 : -Краснодар, 2005 г. 174 с.
19. Сахнова Т.В. Курс гражданского процесса: теоретические начала и основные институты./ Т.В.Сахнова. – М.: Волтерс Клувер,, 2008. – С. 76-77.
20. Тунчысв М.А. Прекращение производств но делу в советским граж-данском процессе. Автореф. дне. канд. юрид, иаук. -М., 1964. – 7 с.
21. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари ва уларни суд амалиётида тадбиқ этиш муаммолари: юрид. фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. –Т. 2007. -111 б.
22. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи (саволлар ва жавоблар). Ўқув қўлланма. –Тошкент, ТДЮИ. 2010. -Б.121-122.
23. Холмўминов Ж.Т., Дусманов А.Х., Тиллаев Т.Н. Фуқаролик процесси: Маърузалар курси. –Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. -47 б.
24. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. -Тошкент: Адолат. 2001. –512 б.
25. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. - 960 бет.
26. Ёдгоров Х. Суд тизимидаги ислоҳотлар самараси. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2011.№2, -Б. 6.
27. Xabibullayev D.Yu. Fuqarolik protsessual huquqi (savollar va javoblar). O`quv qo`llanma. –Toshkent, TDYUI nashriyoti, 2012. -Б.128-129.

28. Эсанова З.Н. Фуқаролик процессида келишув битими // Ж. Ҳаёт ва қонун. –2001 й. 2-3 сонлари. –63 б.

29. Эсанова З.Н. Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни фуқаролик судида кўришнинг процессуал хусусиятлари: Юрид. фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент: ТДЮИ. 2010, -202 б.

V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:

1. Мустафоев Б.М. Мустаҳкам оила – жамият барқарорлигининг асоси // “Ҳуқуқ ва бурч” журнали, 2012 йил, 4-сон. -7 бет.

2. Ёдгоров Х. Суд тизимидаги ислоҳотлар самараси. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2011.№2, -Б. 6.

3. Эсанова З.Н. Фуқаролик процессида келишув битими // Ж. Ҳаёт ва қонун. –2001 й. 2-3 сонлари. –63 б.

4. Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. –Т.: Адолат, 1992. -12 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1992, № 3. –Б.21.

6. Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. -Тошкент, 1998. -№1-2. -52 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998: 2-жилд // Таҳрир ҳайъати: У.К.Мингбоев ва бошқ. - Тошкент, “Шарқ”, 1999.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 13 ноябр-даги “Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни белгилашни тартибга солувчи қонунчиликни судлар томонидан қўлланиши ҳақида”ги 5-сонли қарори. ИПС “Норма”.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июл-даги “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида”ги 18-сонли қарори. ИПС “Норма”.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 17 апелдаги Пленум қарори. Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси, 1998, № 1-2. –Б.28-53.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998 йил. –Тошкент, Шарқ 1999 . -103 б.
12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 22-сонли қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 5-сонли қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд амалиёти. –Тошкент, 2002. -№2. –15 б.
16. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2002. № 3-4. -40б.
17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд амалиёти. –Тошкент, 2004. -№1. -Б.4-5.
18. Умумий юрисдикция судларининг 2008 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. -Тошкент, 2009. - 48 б.
19. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2009 йилги статистик маълумотномаси.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Ахборотномаси. 2012 йил 1-сон.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами 1991-1998: 2-жилд // Таҳрир ҳайъати: У.К.Мингбоев ва бошқ. - Тошкент, “Шарқ”, 1999. -Б. 4-5.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарори.

VI. Интернет сайтлари

1. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации.
<http://www.consultant.ru/popular/gpkrf/>.

2. Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь.
<http://www.pravo.kulichki.ru/vip/gpk/index.htm>.

3. Цивільний процесуальний кодекс України. N 1618-IV, 18.03.2004, Кодекс, Верховна Рада України. Відомості Верховної Ради України (ВВР), 2004, N 40-41, 42, ст.492 (с изменениями и дополнениями, последние из которых внесены законами Украины от 4 июля 2013 года № 406-VII).

4. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан от 13 июля 1999 года. Ведомости Парламента Республики Казахстан, 1999 г. № 18, ст. 644.

5. Гражданский процессуальный кодекс Республики Эстония.
<http://qanun.narod.ru/codes.html>.

6. Гражданский процессуальный закон Латвии. <http://cld.privatelaw.ru/snglaw/snglaw.htm>.

7. Гражданский процессуальный кодекс Китайской Народной Республики (Принят на 4-й сессии Всекитайского собрания народных представи-телей седьмого созыва 9 апреля 1991 г. Опубликован Указом Председателя Китайской Народной Республики № 44 от 9 апреля 1991 г. Вступил в силу с 9 апреля 1991 г.)

Фуқаролик процессида иш юритишга оид суд ҳужжатларидан

намуналар

АЖРИМ

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро суди 2007 йил 15 май куни судья Ф.Т.Турсуновнинг раислигида М.Отақулов котибалигида, даъвогар Ашуров Шохрух Нуриддиновичнинг жавобгар Ашурова Дилрабо Рамазоновнага нисбатан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги 1-1228/07-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Ш.Н Ашуров жавобгар Д.Р. Ашуровага нисбатан никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат этиб, ўз даъво талабларига асос қилиб 2002 йил 6 июль куни жавобгар билан қонуний никоҳдан ўтганларини, ўрталаридаги никоҳдан 2005 йил 5 октябрь куни Хушоюн исмли фарзандли былганларини, хотини билан жанжаллашганлиги, бир- бирларига хурмат йўқолганлиги сабабли судга мурожаат қилишган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 39-моддасига мувофиқ хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилгандан кейин бир йил мобайнида эр хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 3-бандига кўра Оила кодексининг 39-моддасига биноан эр хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас. Боланинг отаси деб қайд этилмаган ҳолларда ҳам эр бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида хотинининг розилигисиз никоҳдан ажралиш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли эмас. Ушбу қоида бола ўлик туғилган ёки 1 ёшгача яшамай, вафот этган ҳолларга ҳам татбиқ қилиниши лозим. Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун хотинининг розилиги бўлмаса, суд эридан даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар қабул қилинган бўлса, иш юритишни тугатади.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра томонлар 2004 йил 7 декабрь куни қонуний никоҳдан ўтганлар. Ўрталаридаги никоҳдан 2006 йил 5 январь куни туғилган Кутбиддинова Муборакхон Азизхон қизи исмли фарзандли бўлганлар.

Жавобгар Х.Илхамова судда даъвогар унга нисбатан никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишни қўзғатишига рози эмаслигини билдириб, судга шу ҳақда ёзма ариза билан мурожаат қилган.

Амалдаги оила қонунчилиги хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилгандан кейин бир йил мобайнида эр хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмаслиги белгиланганлигини инобатга олиб, суд мазкур фуқаролик иши судга тааллуқли эмас деб ҳисоблайди.

Шу сабабли суд юқоридаги қонун талаблари ҳамда Олий суд Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларига асосланиб, фуқаролик иши бўйича иш юритувни тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 39-моддаси, ФПКнинг 100, 237-238-моддаларига асосланиб,

АЖРИМ ҚИЛАДИ :

Даъвогар Нуритдинов Азизхон кутбитдиновичнинг жавобгар Илхамова Хилола Джобировнага нисбатан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги фуқаролик иши бўйича иш юритиш тугатилсин.

Ажримдан норози томонлар 10 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига хусусий шикоят (протест) келтиришлари мумкин.

Раислик этувчи:

(имзо)

Ф.Т.Турсунов

А Ж Р И М

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро суди 2010 йил 05 февраль куни судья И.А.Болтаходжаеванинг раислигида Ж. Шароповнинг котиблигида, даъвогар Махмудов Ботир Баходировичнинг жавобгар Артыков Аскар Фарыхджоновичга нисбатан моддий ва маънавий зарарни ҳамда автомашинага етказилган зарарни ундириш ҳақидаги 1-1080/10-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Даъвогар Махмудов Ботир Баходирович жавобгар Артыков Аскар Фарыхджоновичга нисбатан моддий ва маънавий зарарни ҳамда автомашинага етказилган зарарни ундириш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

Ишни суд мажлисида кўриш жараёнида даъвогар Б.Махмудов судга ариза билан мурожаат қилиб, улар ушбу низони ўзаро тинч йўл билан ҳал қилганликлари сабабли даъводан воз кечишини билдириб, суддан мазкур даъво талаблардан воз кечиш ҳақидаги илтимосномасини қабул қилиб, фуқаролик ишини иш юритишдан тугатишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 100-моддасининг 3-бандига мувофиқ даъвогар арз қилган талабларидан воз кечган ва суд бу воз кечишни қабул қилган бўлса суд иш юритишни тугатади.

Суд даъвогар Б.Б.Махмудовнинг аризасини ўрганиб, иш материаллари билан танишиб чиқиб, даъвогарнинг даъводан воз кечиши ҳеч кимнинг манфаатларига зиён етказмаслигини инобатга олиб, даъвогарнинг даъводан воз кечишини қабул қилиб, иш юритишини тугатишни ва даъвогарларга иш юритишни тугатиш оқибатларини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 102-моддасига, кўра иш юритиш тугатилган тақдирда, айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан судга иккинчи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 100-102, 237-238 моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Даъвогар Махмудов Ботир Баходировичнинг жавобгар Артыков Аскар Фарыхджоновичга нисбатан автомашинага етказилган зарарни ундириш ҳақидаги даъвосидан воз кечиши қабул қилинсин.

Мазкур фуқаролик иши бўйича иш юритиш тугатилсин.

Ажримдан норози томонлар 10 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига хусусий шикоят (протест) келтиришлари мумкин.

Раислик этувчи:

И.А.Болтаходжаева

А Ж Р И М

2008 йил ноябрь ойининг 14 куни Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Яккасарой туманлараро суди судья И.А.Болтаходажеванинг раислигида, Н.Ахунджанованинг котибалигида, Яккасарой туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Шакарова, адвокат И.Ибрагимов, таржимон Н.Абдурахимова иштирокида, даъвогар Яккасарой туман “Бошлиқ–Ғурур” хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатининг жавобгар Исраилова Дилором Зиявутдиновнага нисбатан 592 913 сум 09 тийин коммунал тўловлар бўйича қарз ундириш ундириш, Исраилова Дилором Зиявутдиновнанинг жавобгар Яккасарой туман “Бошлиқ Ғурур” ХУЖМШга нисбатан коммунал хизмат бўйича қарздорликни қайта ҳисоблаш, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги қарши даъво аризаси юритилган 1-2164/08-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Яккасарой туман “Бошлиқ–Ғурур” хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати жавобгар Исраилова Дилором Зиявутдиновнага нисбатан 592 913 сум 09 тийин коммунал тўловлар бўйича қарз ундириш ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлиси жараёнида жавобгар Исраилова Дилором Зиявутдиновна даъвогар Яккасарой туман “Бошлиқ–Ғурур” ХУЖМШга нисбатан коммунал хизмат бўйича қарздорликни қайта ҳисоблаш, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги қарши даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишини суд мажлисида кўриш жараёнида тарафлар ўзаро келишув битими тузишганлигини, унга кўра: даъвогар “Бошлиқ–Ғурур” ХУЖМШ директори Ш.Саримсаков ХУЖМШ томонидан киритилган даъво аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик иши кўрилиш жараёнида жавобгар Д.Исроилова ўз ҳисобидан Бошлиқ мавзеси 32-уй 29-хонадонни стоякларини алмаштирганлигини, подъездларни таъмирлатганлиги, даъво қўзғатилганлиги муносабати билан адвокат билан битим тузиб, ўз ҳисобидан харажат қилганлигини инobatга олиб, ХУЖМШ томонидан қўзғатилган даъводан воз кечади ва жавобгар Д.Исраиловага ХУЖМШ томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури, тарифи ва ширкат ҳисоб-рақами ҳақидаги маълумотлар тақдим этишлиги; жавобгар Д.Исраиловани вакили М.Исраилов ҳам ХУЖМШга нисбатан қўзғатилган қарши даъвосидан воз кечади ва ширкат унга кўрсатиладиган хизматлар тури, тарифи ҳамда ҳисоб рақамини бергандан кейин хар ойда ширкатга тўланадиган суммани 2008 йил 01 январдан бошлаб тўлаш мажбуриятини олишлиги белгиланганлигини инobatга олиб, суддан ушбу келишув битимини тасдиқлашни ва фуқаролик ишини юритишни тугатишни сўрашди.

Суд мажлисида сўралган “Бошлиқ–Ғурур” хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати вакили Бахритдинов Р. суддан келишув битимини

тасдиқлаб, фуқаролик ишини иш юритишдан тугатишни сўради.

Суд мажлисида сыралган жавобгарн Д.Исраилованинг ишончли вакили М.Исраилов суддан келишув битимини тасдиқлаб, фуқаролик ишини иш юритишдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 40-моддаси 4-қисмига мувофиқ, даъво ишининг тарафлари процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни яқунлашга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 180-моддаси 1-қисмига мувофиқ, даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлиги, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олганлиги еки тарафлар эришган келишув битимининг шартлари суд мажлиси баенномасига киритилади ва тегишлича, даъвогар, жавобгар ёки иккала тараф томонидан имзоланади. Агар даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлиги, жавобгарнинг даъвогар арз қилган талабларни тан олганлиги еки тарафларнинг келишув битими уларнинг судга юборган езма аризаларида ифодаланган бўлса, мазкур аризалар ишга қўшиб қўйилиб, бу ҳақда суд мажлиси баенномасида кўрсатилади.

Суд, тарафларни кўрсатмаларини тинглаб, тарафлар томонидан тузилган келишув битимининг шартлари ва фуқаролик иши материаллари билан танишиб, тарафлар уртасида тузилган келишув битими шартлари амалдаги қонун талабларига зид эмаслиги ва бошка шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказмаслигини инобатга олиб, тарафлар ўртасида тузилган келишув битимини тасдиқлашни ва фуқаролик ишини иш юритишдан тугатишни лозим деб топади.

Тарафларга Ўзбекистон Республикаси ФПК нинг 34, 40, 100, 101, 102, 180-моддаларида назарда тутилган келишув битимини тасдиқлаш оқибатлари тушунтирилди.

Юқоридагиларга биноан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 34, 40, 100, 102, 180, 237-238- моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Даъвогар Яккасарой туман “Бошлиқ–Ғурур” хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати билан жавобгар Исраилова Дилором Зиявутдиновна ўртасида тузилган келишув битими тасдиқлансин. Келишуви битимига кўра: даъвогар “Бошлиқ–Ғурур” ХУЖМШ директори Ш.Саримсаков ХУЖМШ томонидан киритилган даъво аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик иши кўрилиш жараёнида жавобгар Д.Исраилова ўз хисобидан Бошлиқ мавзеси 32-уй 29-хонадонни стояқларини алмаштирганлигини, подъездларни таъмирлатганлиги, даъво қўзғатилганлиги муносабати билан адвокат билан битим тузиб, ўз хисобидан харажат қилганлигини инобатга олиб, ХУЖМШ томонидан қўзғатилган даъводан воз кечади ва жавобгар Д.Исраиловага ХУЖМШ томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури, тарифи ва ширкат хисоб-рақами ҳақидаги маълумотлар тақдим этади. Жавобгар Д.Исраиловани

вакили М.Исраилов ҳам ХУЖМШга нисбатан қўзғатилган қарши даъвосидан воз кечади ва ширкат унга кўрсатиладиган хизматлар тури, тарифи ҳамда ҳисоб рақамини бергандан кейин ҳар ойда ширкатга тўланадиган суммани 2008 йил 01 январдан бошлаб тўлаш мажбуриятини олади.

Мазкур фуқаролик иши юритишдан тугатилсин.

Ажрим устидан 10 кун муддат ичида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин.

Раислик этувчи

(имзо)

И.А.Болтаходжаева

А Ж Р И М

2010 йил июня ойининг 28 куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро суди ўз биносида, очик суд мажлисида, Раислик этувчи судья: Б.М.Файзиев, Д.Данабаевнинг котиблигида, даъвогар Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг вояга етмаган Нечаева Светлана Олеговна ва Нечаев Станислав Викторовичларни манфаатларида жавобгар Нечаева Ольга Валентиновнага нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан юритилган №1-99/10-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурори вояга етмаган С.О.Нечаева ва С.В.Нечаевларни манфаатларида жавобгар О.В.Нечаевага нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида маълум бўлишича, жавобгар Нечаева Ольга Валентиновна 2009 йил 9 июль куни вафот этган ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бўка туманлараро суд тиббий экспертиза бўлинмасида 2009 йил 11 июль куни 56 сон билан Ўлим ҳақида врачлик гувоҳномаси қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 100-моддасининг 7-қисмига мувофиқ, иш бўйича тарафлардан бири бўлган фуқаронинг вафотидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса, суд фуқаролик иши бўйича иш юритиш тугатади, - дейилган.

Суд, туман прокурори ёрдамчиси Ф.Ташназаровни фикрини тинглаб, иш ҳужжатлари билан танишиб юқорида келтирилганларни инобатга олиб, мазкур фуқаролик иши бўйича иш юритишни тугатишни лозим деб топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 100-моддасининг 7-қисми ҳамда 237-238-моддаларини қўллаб, суд

Ажрим қилади:

Даъвогар Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг вояга етмаган Нечаева Светлана Олеговна ва Нечаев Станислав Викторовичларни манфаатларида жавобгар Нечаева Ольга Валентиновнага нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича - иш юритиш тугатилсин.

Ажримдан норози томон ўн кунлик муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришлари мумкин.

Раислик этувчи:

(имзо)

Б.М.Файзиев

А Ж Р И М

2010 йил сентябрь ойининг 24-куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Учтепа туманлараро суди ўз биносида, очик суд мажлисида, Раислик этувчи судья Д.Эргашев, Б.Норбоевнинг котиблигида, Учтепа туман прокурори ёрдамчиси Ф.Ташназаровнинг иштирокида, даъвогар Шакаров Шерзод Гаффаровичнинг жавобгар Курбанова Мехринисо Буриевна ва Яккасарой туман 1-сонли нотариал идорасига нисбатан уй-жой олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган 1-3484/10-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судга даъвогар Шакаров Шерзод Гаффаровичнинг жавобгар Курбанова Мехринисо Буриевна ва Яккасарой туман 1-сонли нотариал идорасига нисбатан уй-жой олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 97-моддаси 1-қисми 5-бандида ишни ўзининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чақирув бўйича ҳам судга келмаса, жавобгар эса ишни мазмунан кўришни талаб қилмаса ариза кўрмасдан қолдирилиши кўрсатилган. Даъвогар 2010 йил 8, 20 ва 24 сентябрь кунларидаги суд мажлисларига тегишли тартибда огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, номаълум сабабларга кўра суд мажлисларига келмади. Судга келмаслик сабабларини маълум қилмади. Жавобгар М.Курбанова ишни мазмунан кўришни талаб қилмади. Бундай ҳолда, суд аризани кўрмасдан қолдириш, тарафларга аризани кўрмасдан қолдиришнинг оқибатларини тушунтириш лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 97-99, 237-238 моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Даъвогар Шакаров Шерзод Гаффаровичнинг жавобгар Курбанова Мехринисо Буриевна ва Яккасарой туман 1-сонли нотариал идорасига нисбатан уй-жой олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан фуқаролик иши кўрмасдан қолдирилсин.

Даъвогарга аризани кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг, судга янгитдан умумий тартибда ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Агар аризачи суд мажлисида қатнаша олмаганлигини узрли эканлиги ҳақида далилларни тақдим этса, суд аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажримни бекор қилиши мумкин.

Мазкур ажрим нусхаси тарафларга маълумот учун юборилсин.

Ажрим устидан 10 кун муддат ичида Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига ушбу суд орқали хусусий шикоят ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Раислик этувчи

Д.Эргашев

А Ж Р И М

2012 йил апрель ойининг 19 куни фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди ўз биносида очик суд мажлисида Раислик этувчи, судья: Д.Эргашев, Ж.Отабоевнинг котиблигида, адвокатлар М.А.Рахимов ва А.М.Мухитдиновларнинг иштирокларида, Даъвогар Мирисаева Акида Асадовнанинг жавобгар Умаров Латифжон Тахировичга нисбатан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини бўшатиш ва ноқонуний қурилмани бузиш ҳақидаги даъвоси бўйича юритилган 1-1344/12-сонли фуқаролик иши бўйича жавобгарнинг ишончли вакили А.М.Мухитдиновнинг фуқаролик ишини кўрмасдан қолдириш ҳақидаги аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судга даъвогар Мирисаева Акида Асадовна жавобгар Умаров Латифжон Тахировичга нисбатан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини бўшатиш ва ноқонуний қурилмани бузиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Л.Т.Умаров томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини бўшатиш ва уй-жойга қурилган ноқонуний қурилмани бузишни ҳамда 1.218.000 сўм миқдорида моддий ва 1.000.000 сўм миқдорида маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Суд мажлиси давомида жавобгар Л.Т.Умаровнинг ишончли вакили А.М.Мухитдинов ариза билан мурожаат қилиб, суд мажлисида аризасини қўллаб қувватлаб, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ТЖБКХнинг 21.02.2012 йилдаги маълумотига кўра низоли Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Хушбахт кўчаси, 30-уй Чилонзор тумани ҳокимининг 31.03.2003 йилдаги №209-сонли қарорига асосан фуқаро Мирисаев Асад Сағдуллаевичга тегишли эканлигини, даъвогар А.А.Мирисаева Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Хуршида кўчаси, Қушкчи тор 34-уйда доимий рўйхатда туришлигини, даъвогар низоли хонадоннинг ҳуқуқий жиҳатдан мулкдори ҳисобланмаслигини, даъво аризаси эса манфаатдор шахс томонидан тақдим қилинмаганлигини баён қилиб, фуқаролик ишини ЎЗР. ФПКнинг 97-моддаси 2-қисмига асосан кўрмасдан қолдиришни сўради.

Суд мажлисида даъвогар А.А.Мирисаева ва унинг адвокати М.Раҳимов жавобгар вакилининг аризасини асосиз деб ҳисоблаб, рад қилишни сўради.

Суд мажлисида Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ТЖБКХ вакили А.Б.Ганиев жавобгар вакилининг аризасини қаноатлантиришни судга ҳавола қилди.

Суд мажлисига мазкур фуқаролик ишига учинчи шахс сифатида жалб қилинган Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бошқармаси вакили ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти ва Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимияти вакили келмаганлар, лекин фуқаролик ишини ўзларининг иштироокисиз кўриб чиқишни сўраганлиги бьоис, суд фуқаролик ишини

уларнинг иштирокисиз ЎЗР ФПКнинг 174-моддаси талабларига асосан кўриб чиқишни лозим топади.

Суд, тарафларнинг баёнотларини, адвокатлар М.А.Рахимов ва А.М.Мухитдиновларнинг фикрларини тинглаб, аризани иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосага келади.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, низоли Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Хушбахт кўчаси, 30-уй Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ТЖБКХнинг 21.02.2012 йилдаги маълумотига кўра Чилонзор тумани ҳокимининг 31.03.2003 йилдаги №209-сонли қарорига асосан фуқаро Мирисаев Асад Сагдуллаевичга тегишли. Даъвогар А.А.Мирисаева фуқаро А.С.Мирисаевнинг фарзанди бўлиб, юқоридаги низоли хонадонда доимий рўйхатга турмаган ҳолда истиқомат қилиб келади. Даъвогар А.А.Мирисаева Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Хуршида кўчаси, Қушкчи тор 34-уйда доимий рўйхатда туради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги 1996 йил 29 августдаги №257-1-сонли қарорининг 12-бандига кўра, кодекс 1112 - 1157-моддаларининг қоидалари кодекс амалга киритилгунга қадар очилган бўлиб, аммо 1997 йилнинг 1 мартига қадар меросхўрларнинг ҳеч бири томонидан қабул қилиб олинмаган ва мерос ҳуқуқи бўйича давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтказилмаган меросга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Даъвогар А.А.Мирисаева фуқаро А.С.Мирисаевнинг фарзанди ҳисобланади. Фуқаро Мирисаев Асад Сагдуллаевич вафот этган бўлиб, унинг мерос мулкига нисбатан мерос иши очилган бўлсада, унинг мерос мулки меросхўрлар ўртасида қабул қилиб олинмаган.

Даъвогар А.А.Мирисаева ўз даъво аризасида жавобгар томонидан низоли Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Хушбахт кўчаси, 30-уй ва 32-уйларни ажратиб турувчи деворни бузиб, янги иморат қурганлигини ва қурилган қурилма даъвогар истиқомат қилиб келаётган низоли Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Хушбахт кўчаси, 30-уй майдонининг устига қурилганлигини, бундан ташқари жавобгар ноқонуний равишда низоли Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Хушбахт кўчаси, 30-уй ҳудудининг маълум бир қисмини ҳам эгаллаб олганлигини баён қилиб, жавобгар Л.Т.Умаров томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини бўшатиш ва уй-жойга қурилган ноқонуний қурилмани бузишни ҳамда 1.218.000 сўм миқдоридан моддий ва 1.000.000 сўм миқдоридан маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 97-моддаси 1-қисми 2-бандига кўра, манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс берган бўлса суд аризани кўрмасдан қолдиради.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, низоли Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Хушбахт кўчаси, 30-уй Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ТЖБКХнинг 21.02.2012 йилдаги маълумотига кўра Чилонзор тумани

хокимининг 31.03.2003 йилдаги №209-сонли қарорига асосан фуқаро Мирисаев Асад Сағдуллаевичга тегишли.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддасида конун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланиши, ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмаслиги, ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозимлиги кўрсатилган.

Бундай ҳолатда суд, даъвогар низоли хонадоннинг мулкдори эмаслигини, фуқаро А.С.Мирисаевнинг мерос мулки меросхўрлар ўртасида қабул қилиб олинмаганлигини, даъвогар низоли хонадонни мулкдори ҳисобланмаслигини, даъвогар ҳуқуқлари бузилмаганлигини инобатга олиб, суд даъвогар Мирисаева Акида Асадовнанинг жавобгар Умаров Латифжон Тахировичга нисбатан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини бўшатиш ва ноқонуний қурилмани бузиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик ишини кўрмасдан қолдиришни, даъвогар А.А.Мирисаевага аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин судга ариза билан яна умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли эканлигини тушунтиришни лозим деб топди.

Юқоридагиларга биноан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 97-99-моддаларини қўллаб, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Даъвогар Мирисаева Акида Асадовнанинг жавобгар Умаров Латифжон Тахировичга нисбатан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини бўшатиш ва ноқонуний қурилмани бузиш ҳақидаги даъвоси бўйича юритилган 1-1344/12-сонли фуқаролик иши кўрмасдан қолдирилсин.

Даъвогар Мирисаева Акида Асадовнага аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин судга ариза билан яна умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Тарафлар мазкур ажрим устидан 10 кун муддат ичида шу суд орқали Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига хусусий шикоят бериш, хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик этувчи:

(имзо)

Д.Эргашев

А Ж Р И М

2012 йил февраль ойининг 28-куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Учтепа туманлараро суди ўз биносида, очик суд мажлисида, Раислик этувчи судья Д.Эргашев, Ж.Отабоевнинг котиблигида, Чилонзор туман прокурори катта ёрдамчиси Г.Исраилованинг иштирокида, даъвогар Сизов Максим Викторовичнинг жавобгар Смакин Марат Сапарғалиевичга нисбатан васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш, меросхўр деб топиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган 1-273/12-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судга даъвогар Сизов Максим Викторовичнинг жавобгар Смакин Марат Сапарғалиевичга нисбатан васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш, меросхўр деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 97-моддаси 1-қисми 5-бандида ишни ўзининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чақирув бўйича ҳам судга келмаса, жавобгар эса ишни мазмунан кўришни талаб қилмаса ариза кўрмасдан қолдирилиши кўрсатилган.

Даъвогар 2012 йил 27 ва 28 февраль кунларидаги суд мажлисларига тегишли тартибда огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, номаълум сабабларга кўра суд мажлисларига келмади ва судга келмаслик сабабларини маълум қилмади. Жавобгар ишончли вакили М.С.Смакин ишни мазмунан кўришни талаб қилмади.

Бундай ҳолда, суд аризани кўрмасдан қолдириш, тарафларга аризани кўрмасдан қолдиришнинг оқибатларини тушунтириш лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 97-99, 237-238 моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Даъвогар Сизов Максим Викторовичнинг жавобгар Смакин Марат Сапарғалиевичга нисбатан васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш, меросхўр деб топиш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан фуқаролик иши кўрмасдан қолдирилсин.

Даъвогарга аризани кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг, судга янгитдан умумий тартибда ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Агар даъвогар суд мажлисида қатнаша олмаганлигини узрли эканлиги ҳақида далилларни тақдим этса, суд аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажримни бекор қилиши мумкин.

Мазкур ажрим нусхаси тарафларга маълумот учун юборилсин.

Ажрим устидан 10 кун муддат ичида Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига ушбу суд орқали хусусий шикоят ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Раислик этувчи

Д.Эргашев

А Ж Р И М

2013 йил март ойининг 13-куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Учтепа туманлараро суди ўз биносида, очик суд мажлисида, Раислик этувчи судья Д.Эргашев, Б.Норбоевнинг котиблигида, даъвогар Чилонзор туман прокурори давлат манфаатларини кўзлаб, жавобгар Иногамджанов Ильхом Адилевичга нисбатан ноқонуний қурилмани бузиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган 1-616/13-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судга даъвогар Чилонзор туман прокурори давлат манфаатларини кўзлаб, жавобгар Иногамджанов Ильхом Адилевичга нисбатан ноқонуний қурилмани бузиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 97-моддаси 1-қисми 5-бандида ишни ўзининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чақирув бўйича ҳам судга келмаса, жавобгар эса ишни мазмунан кўришни талаб қилмаса ариза кўрмасдан қолдирилиши кўрсатилган.

Даъвогар 2013 йил 5, 7 ва 13 март кунларидаги суд мажлисларига тегишли тартибда огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, номаълум сабабларга кўра суд мажлисларига келмади ва судга келмаслик сабабларини маълум қилмади.

Жавобгар ишончли вакили Г.Синягина ишни мазмунан кўришни талаб қилмади.

Бундай ҳолда, суд аризани кўрмасдан қолдириш, тарафларга аризани кўрмасдан қолдиришнинг оқибатларини тушунтириш лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 97-99, 237-238 моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Даъвогар Чилонзор туман прокурори давлат манфаатларини кўзлаб, жавобгар Иногамджанов Ильхом Адилевичга нисбатан ноқонуний қурилмани бузиш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан фуқаролик иши кўрмасдан қолдирилсин.

Даъвогарга аризани кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг, судга янгитдан умумий тартибда ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Агар даъвогар суд мажлисида қатнаша олмаганлигини узрли эканлиги ҳақида далилларни тақдим этса, суд аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажримни бекор қилиши мумкин.

Мазкур ажрим нусхаси тарафларга маълумот учун юборилсин.

Раислик этувчи, судья

(имзо)

Д.Б.Эргашев

А Ж Р И М

2012 йил февраль ойининг 28-куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Учтепа туманлараро суди ўз биносида, очик суд мажлисида, Раислик этувчи судья Д.Эргашев, Ж.Отабоевнинг котиблигида, Чилонзор туман прокурори катта ёрдамчиси Г.Исраилованинг иштирокида, даъвогар Сизов Максим Викторовичнинг жавобгар Смакин Марат Сапарғалиевичга нисбатан васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш, меросхўр деб топиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган 1-273/12-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судга даъвогар Сизов Максим Викторовичнинг жавобгар Смакин Марат Сапарғалиевичга нисбатан васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш, меросхўр деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 97-моддаси 1-қисми 5-бандида ишни ўзининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чақирув бўйича ҳам судга келмаса, жавобгар эса ишни мазмунан кўришни талаб қилмаса ариза кўрмасдан қолдирилиши кўрсатилган.

Даъвогар 2012 йил 27 ва 28 февраль кунларидаги суд мажлисларига тегишли тартибда огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, номаълум сабабларга кўра суд мажлисларига келмади ва судга келмаслик сабабларини маълум қилмади. Жавобгар ишончли вакили М.С.Смакин ишни мазмунан кўришни талаб қилмади.

Бундай ҳолда, суд аризани кўрмасдан қолдириш, тарафларга аризани кўрмасдан қолдиришнинг оқибатларини тушунтириш лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 97-99, 237-238 моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Даъвогар Сизов Максим Викторовичнинг жавобгар Смакин Марат Сапарғалиевичга нисбатан васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш, меросхўр деб топиш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан фуқаролик иши кўрмасдан қолдирилсин.

Даъвогарга аризани кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг, судга янгитдан умумий тартибда ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Агар даъвогар суд мажлисида қатнаша олмаганлигини узрли эканлиги ҳақида далилларни тақдим этса, суд аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажримни бекор қилиши мумкин.

Мазкур ажрим нусхаси тарафларга маълумот учун юборилсин.

Ажрим устидан 10 кун муддат ичида Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига ушбу суд орқали хусусий шикоят ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Раислик этувчи

Д.Эргашев